Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 14 январь
ЯКШАНБА
№ 12 (4.805).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ЛИТВА ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Вильнюс, 12 январь. (ТАСС махсус мухбирлари). Литва меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев билан учрашувлари давом этмоқда. М. С. Горбачев бу ерда бўлган биринчи тиғиз куннинг барча воқеалари, қардош республика меҳнаткашлари ҳузурига амалий сафарлар телевизион эшиттиришларда батафсил ёритилиб, радио орқали олиб эшиттирилди. Бугунги тонгги газеталар совет раҳбарининг шаҳар кўчаларида, завод клубида, матбуот уйида бўлиб ўтган суҳбатлари мазмунини кенг шарҳламоқда. Ёшларнинг «Лиетувос ритас» газетаси қуйидаги сўзларга эътиборни қаратган: «Кўпгина сиёсий шарҳловчилар М. С. Горбачевнинг Литвага визитини у КПССга раҳбарлик қила бошлаганидан буён ўтган бутун 1767 кун мобайнидаги энг муҳим воқеалардан бири деб ҳисобламоқдалар».

Сафарнинг иккинчи куни бутунлай республиканинг йирик индустриал ва маданий маркази бўлган ҳамда пойтахтдан 200 километрдан кўпроқ олисда жойлашган Шяуляй меҳнаткашлари билан учрашувга бағишланди. М. С. Горбачев шаҳар ташқарисига чиқиши биланоқ уни Шяуляй аҳолиси қуршаб олди. У одамлар гуруҳидан бирига яқинлашиб, ҳар хил сўзлар ёзилган транспарантларга назар ташлайди.

Келинглар, бундай ғалати «қутловлар» қаердан пайдо бўлаётганлигини ўйлаб кўрайлик, дейди у: кимдир республикани «босқинчи-жангчилардан» қутқаришга даъват этса, кимдир «КПССни дафн этамиз» деган сўзлар ёзилган тобут расмини чизган. Бунга ўхшаган фактларни бошқа жойларда ҳам учратиш мумкин. Аммо келинглар, муҳокама қилайлик. Меҳнаткаш халқ Совет Армияси солдатларига, Коммунистик партияга нормал муносабатдами?

Овозлар: Нормал муносабатда, Михаил Сергеевич. Биз бундай лўттибозликларни қўллаб-қувватламаймиз.

М. С. Горбачев: Мана шуниси муҳимдир, ўртоқлар. Чунки республикада кейинги вақтда анча мураккаблашган вазият меҳнаткаш халқ, деҳқонлар, зиёлилар, ишчиларнинг позицияси қандай эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Деворларга чизиш учун қўлига қалам олган ҳамда телевидение экранларидан ва газеталар саҳифаларидан фойдаланаётган ғаламислар барча миллат кишиларининг сабр-матонати ва ҳамкорлигига дуч келиб, йўқ бўлиб кетадиган кўпиклардир.

Овоз: Ана шундай кўпикларга қарши курашиш, аламзада сўзларни эшитиш жонга тегди. Энг ажабланарлиси шундаки, ҳатто СССР халқ депутатлари матбуотда эълон қилинган суҳбатларида рус халқи, Совет Армияси шанига ҳақоратомуз сўзларни айтишга журъат этмоқдалар.

М. С. Горбачев: Шу муносабат билан мен кеча айтган фикримни давом эттирмоқчиман. Биринчидан, литвликлар тил маданиятини сақлаб қолиб, қайта қуриш, Литвани қайта тиклаш натижасида ўз диёрида ўзларини дадил ҳис этишлари керак, албатта. Акс ҳолда, агар улар ўзларини яхши ҳис этмасалар, сизларнинг ҳаммангиз учун ҳам яхши бўлмайди. Шунинг учун халқлар бирлигига путур етказишга, уларни бир-бирларига қарама-қарши қўйишга уринаётган кимсаларнинг даъватларига эътибор бермангиз. Биз қайта қуришни бунинг учун бошламадик.

Овоз: Михаил Сергеевич, биз ҳамиша иноқ бўлиб яшадик. Бир тасаввур қилинг-а, неча йиллар биргаликда яшадик ва ҳеч ким ҳеч қачон ким қайси тилда гапиришига эътибор бермади. Ҳар бир киши ўз имкониятига қараб меҳнат қилиши муҳим эди. Ҳозир эса бу қадрланмаяпти. Литвамизда демократия наҳот шундай йўлдан ривожланиши керак бўлса? Наҳотки, биз қайта қуришни бошлаб, шундай демократияга, ҳеч нарсада чегараси бўлмаган демократияга интилган бўлсак? Биз гарчи аждодларимиз қабрлари бу ердан узоқда бўлса-да, Литва заминига ҳурмат билан муносабатда бўламиз, меҳнатсевар Литва деҳқонларини қадрлаймиз. Аммо нима учун ҳозир бизнинг Литва заминига бундай ҳурмат-эҳтиромимиз қадрланмай қолди?

М. С. Горбачев: Ҳозир Литвада бундай сиёсат ўтказаётган кишилар бу ерда биронта партия, совет, хўжалик ташкилотларига раҳбарлик қилишга даъвогар бўлиш ҳуқуқига эга эмас, деб ўйлайман.

Мана шу ўткир ва рўй-рост, айтиш мумкинки, ҳавотирли мавзудаги суҳбатга одамлар қўшилишади. Улар тўлқинланиб гапиришади. Аёлларнинг кўзларида ёш қалқийди. Улардан бири, авиаремонт заводининг ишчиси В. Г. Морковкина ўзига РСФСР шаҳарларидан бирида уй беришни таклиф этишса, эртага бўлса-да, «бундай даҳшатли аҳволдан» қутулишга тайёр эканлигини айтди.

Машина шаҳар кўчаларида яна бир неча марта тўхтайди ва ҳамма жойда кутиб олувчиларнинг кайфияти қатъий эди: улар меҳмон билан ирожи борича кўпроқ суҳбатлашишни истардилар. Уларни Москвадаги янгиликлар қизиқтиради, Олий Совет қайта қуришнинг асосий қонуларини ишлаб чиқишнинг уддасидан тез орада чиқа оладими, деб сўрардилар. Суҳбатлар барибир асосий мавзуга — республикадаги мураккаб вазиятга бориб тақаларди.

Шундан кейин Шяуляй шаҳри чеккасига йўл олинади. У ерда Михаил Сергеевични «Бридай» колхозининг меҳнаткашлари кутиб туришар эди.

Бу — энг гуллаб-яшнаб турган хўжаликлардан бири. Аммо қишлоқликларнинг иқтисодий фаровонлиги уларнинг меҳмонлар билан суҳбати бош мавзуи эмас.

М. С. Горбачев: Биз ҳаммамиз барча учун яхши бўлишини хоҳлаймиз. Агар ерни бурдаласак, тақдирларни оёқ ости қилсак, ҳеч бир яхшилик чиқмайди.

Овоз: Баъзи бировлар гапираётганидек ва ёзаётганидек, русларни ҳафа қилаётганимиз йўқ, уларни ҳеч қаёққа ҳайдамоқчи эмасмиз. Аммо биз тушунмай турган бирдан-бир нарса шуки, руслар телевизордан ҳувиллаб ётган Россия қишлоқларига қандай қилиб осойишта қарай оладилар, кимсасиз қолган ўз она диёри учун нега уларнинг юраги ачишмайди.

М. С. Горбачев: Нега литвликлар ярим аср муқаддам жўнаб кетган эдилар, сизнингча, улар ўз она диёрларини унутганмидилар?

Овозлар: У пайт қийин замонлар эди, улар ўз истаклари билан жўнаб кетмаганлар.

Шяуляй. 12 январь. М. С. Горбачевнинг кўчалардан бирида шаҳар аҳолиси билан учрашуви.
ТАСС телесурати.

М. С. Горбачев: Мана кўрдингизми, ҳаёт мажбур қилган. Кеча заводда белорус йигит сўзга чиқди. У Минскда ишлар эди. Гўзал республикада яшар эди. Хўш, бундан чиқдики, уни ҳам ўз Ватанига хиёнат қилишда айблайсизми?

Овозлар: Йўқ, йўқ, асло бундай қилмаймиз.

М. С. Горбачев: Бас, шундай экан, бошқа миллат вакилларини республикадан чиқариб юборишга даъват қилиш, деб талқин этиш мумкин бўлган сўзларни ишлатмаслик керак.

Овоз: Бу — тўғри, аммо Россияда ҳам қишлоқ хўжалиги шу даражага кўтарилиши керак. Ўшанда ҳамма муаммолар ҳал бўлади.

М. С. Горбачев: Ҳар ҳолда сизларда бошқалардан устунлик иллати улғайиб бораётганга ўхшайди. Бу иллатнинг олдини олиш керак. Чунки агар рус ўлкаларини таққослайдиган бўлсак, мен ҳозироқ Ставрополь ўлкасини, Краснодар ўлкасини таққослашга тайёрман.

Овоз: Михаил Сергеевич, бизда бунақа ер йўқ. У ер олтинга тенг.

М. С. Горбачев: Сизлар биз билан алоқани узиш орқали аҳволдан қутиламиз, деб беҳуда ўйлаяпсиз, аксинча, ҳамжиҳатликни яхшилаш, ҳар бир қишн ўз иши учун жавоб бериши, ҳар бир халқ ўз суверенитетини, иқтисодий мустақиллигини рўёбга чиқариши энг мақбул йўл. Ҳа, уч карра мақбул йўлдир. Бироқ буни неча ўн йиллар давомида тарқиб топган алоқаларни узиш ҳисобига қилмаслик керак. Агар шундай бўладиган бўлса, фақат Литвагина қийналиб қолмайди. Агар сизлар мени Литвани чўчитмоқчи деб ўйласангиз, янглишасизлар, Россия ҳам, Белоруссия ҳам, ҳамма қийналади. Мабодо ҳатто Россияда кимда-ким ҳозир агар ССР Иттифоқидан ажралиб чиқсак, уч-тўрт йил ичида дарҳол гуллаб-яшнаб турган давлат бўлиб қоламиз деб айтадиган бўлса, бу ҳам худди сизлар каби россияликлар томонидан бўрттириш бўлур эди.

Овоз: Шундай савол бермоқчиман. Биринчи январдан иқтисодий мустақиллик бўлиши тўғрисида гапиришмоқда, аммо ҳеч нарсадан дарак йўқ-ку.

А. Бразаускас: Бундай нарсалар икки ҳафтада амалга оширилмайди.

М. С. Горбачев: Сизлар мана шу посёлка неча йил давомида қурилганлиги тўғрисида эшитганмисиз?

Овозлар: 25-30 йил.

М. С. Горбачев: Сизлар эса иқтисодий мустақиллик тўла ҳажмда икки ҳафта ичида амал қилишини, бунинг устига 300 миллион аҳолиси бўлган Совет Иттифоқини қайта қуришни истайсизми?

Овоз: Михаил Сергеевич, мен эркин, мустақил Компартия Литвада ва Совет Иттифоқида қайта қуришни тезлаштиради, деб ҳисоблайман.

М. С. Горбачев: Демак, шундай мантиқ келиб чиқади: Литва Иттифоқда, Компартия эса КПССдан ташқарида бўладими?

Овозлар Ҳа, ҳа.

М. С. Горбачев: Демак, Литванинг барча муаммолари Иттифоқнинг бир қисми сифатида Советларнинг съездларида, Иттифоқ Олий Советида ҳал этилади. Мана бир тасаввур қилиб кўринг: КПССнинг съезди чақирилди, бутун мамлакат учун мўлжалланган сиёсатни муҳокама қилади. Унинг ривожланишини режалаштиради, Марказий Комитет Пленуми чақирилади, бу сиёсатга қандай ўзгаришлар киритишни муҳокама қилади, бунинг эса сизларга дахли бўлмас эканда... Мен эртага КПССда жорий этиш мўлжалланаётган янгиликлар тўғрисида сўзлаб бераман.

М. С. Горбачев колхозчилар ҳузурида бир неча соат бўлди. Механика устахонасида ва механизатор Й. Клуса-снинг уйида ошкора, самимий суҳбатлар ўтди. М. С. Горбачевни болалар боғчаси, қариялар уйининг ходимлари самимий кутиб олдилар. Посёлка кўчаларида ҳам қизғин мулоқотлар бошланиб кетди.

М. С. Горбачев тушдан кейин индустриал Шяуляй шаҳри аҳолисининг фахри бўлган телевизион аппаратлар заводига борди.

МУШТАРАК МУАММОЛАРИМИЗНИ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ЭТАЙЛИК

М. С. Горбачевнинг ишчилар ва ижодкор зиёлилар билан учрашувлари

Вильнюс, 12 январь. (ТАСС). Илгари хабар берилганидек, М. С. Горбачев 11 январь куни Вильнюсга келиб, иссиқлик аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасига борди, цехларда ишчилар билан учрашди ва завод клубида корхонанинг меҳнат коллективи ҳузурида нутқ сўзлади.

* * *

Заводингизда бўлиш ҳам, қисқа муддатли суҳбатлар ҳам менга, ҳар қалай, сиёсатда кўзи пишган одамга кўп нарсаларни илғаб олишга имкон беради, деди М. С. Горбачев. Сиз билан биз суҳбатлашаётган вақтда зал аҳлининг гап-сўзи ҳам фикрларнинг хилма-хиллигидан яққол дарак бериб турибди, албатта. Фикрларнинг хилма-хиллиги эса сизларда жуда етарли.

Хуллас, азиз дўстлар, бу ерга, Литва заминига келганимдан, коллективингизга таширф буюрганимдан хурсандман. Менинг иш режамга кўра, бу ерда, республикада уч кун бўлишим керак. Ҳузурингизга келишимга катта аҳамият бераман. Биринчидан, бу менинг азалий истагим эди, чунки мен Литвада сўнгги бор, биринчи ва охирги марта, бу ерда ҳисоблаб чиқишганидек, бундан 9 йилу 6 ой муқаддам бўлган эканман. Бу ҳисоб-китобни мен ишора деб қабул қилдим, албатта. Республикадаги раҳбарларингиз билан келишиб олган эдик: Литвага мен қишда ёки эрта кўкламда келмоқчи бўлган эдим. Аммо мамлакатимиздаги воқеаларнинг шиддат билан кечаётганлиги, барча жараёнлар ғоят жаддалашиб кетганлиги ва бу ерда, республикангизда содир бўлган воқеалар катта акс-садо қўзғатиб, ўй-фикрлар ва таҳлика уйғотганлиги натижасида сафарим тезлашди. Сизга маълумки, партия Марказий Комитетининг Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Литвага барвақтроқ келиши лозим деган фикр билдирилганди, шу Пленум натижаларидан эса сизлар бохабарсиз.

Шундай қилиб, мен бу ерга келдим. Бизнинг Москвадан туриб кузатишларимиз ҳам, жумладан, бу ердаги, Вильнюсдаги дастлабки учрашувлар ҳам шундан далолат бериб турибдики, республикангизда қайта қуриш жараёнлари шиддат билан кечмоқда. Аммо шуни ҳам айтишим керакки, бундай жараёнлар бутун мамлакатда ҳам шиддат билан бормоқда. Халқларимиз учун ана шу бурилиш даврида, тақдирга дахлдор даврда тарих ноёб қисматни раво кўрган жуда катта мамлакат учун йўналишни йўқотмасликкина эмас, шу билан бирга белгиланган мақсадларга кам талафот кўриб етишиш ҳам жуда муҳимдир, азиз ўртоқлар. Қайта қуриш доирасида содир бўлаётган ишлар, шундай шиддатли тус олган юмушлар инсоний муносабатларда ҳам, иқтисодиётда ҳам, ижтимоий соҳада, миллий муносабатларда ҳам, маффкура, маданият, тил соҳасида ҳам мушкул воқеалар билан биргаликда кечмоқда. Хўш, бу — қайта қуришнинг оқибатларими? Наҳотки, бу таҳликали тенденцияларнинг фақатгина бошланиши бўлса ва бу тенденциялар кучайиб бораверсаки, мамлакатдаги, ҳар бир коллективдаги вазиятни мураккаблаштирса? Ёки бу — катта ўй-мулоҳазалар, мунозаралар, ўз тарихини, бугунги ҳаётини ойдинлаштириб олиш, планларга баҳо бериш, эски нарсалардан воз кечиш, жамият турмушининг барча соҳаларида янгиликка ўтиш даврими?

Рўй-рост шуни айтмоқчиманки, муаммолар неча ўн йиллар мобайнида тўпланиб келаверди. Қайта қуриш очиқ-ойдинлик, ошкоралик, демократиялаш муҳитини вужудга келтирди ва ниҳоят шундай вазиятни яратдики, биз ҳаммамиз гапира бошладик. Қайта қуриш муаммоларни ойдинлаштирди, уларни кескинлаштирди, одамлар катта ахборотдан бохабар бўлишиб, қўллари узун бўлиб қолиб, нега энди бундай бўлди деб ўй-фикрга толдилар. Яшириб нима қилдик, кимни жавобгарликка тортсак экан деб, қидириб ҳам қолишди. Нозримда, бундан буён нима қилишимиз лозимлиги энг асосий вазифадир.

Шундай қилиб, биринчиси шуки, бизга қайта қуриш керак. Кечикиб бўлса ҳам, ҳар қалай, қайта қуриш бошлангани яхши бўлди. Биз бир йил, икки йил митинг-бозлик қилдик. Шундан кейин аниқлаб олинган фикрлар ва берилган баҳолар асосида сиёсатни тузишга киришдик. Бунинг учун ҳам маълум муддат кетди. Менга қолса, қайта қуриш чинакамига 1989 йилдан бошланди, деган бўлур эдим, ўша йили биз иқтисодиётимизни ҳам, сиёсий системамизни ҳам ўзгартириш жараёнларини амалда авж олдирдик. Ҳойнаҳой, хотирангизда бўлса керак, мен биринчи, иккинчи ва учинчи йилда ҳам, мабодо баҳо бериш, фикр айтиш ва ҳатто яхши сиёсатни ишлаб чиқиш билангина чекланиб қоладиган бўлсак, планларимиздан бирон-бир наф чиқмайди, деб айтган эдим. Дарҳақиқат, агар халқнинг ўзи барча сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳоказо жараёнларга киришмаса, планларимиздан наф чиқмайди. Чунки илгари ҳам шундай бўлган эди: қанчадан-қанча ислоҳотларни бошладик ва бу ислоҳот митингбозлик босқичларидан ўтганидан кейин тўхтаб қоларди, сўнгра эса ҳамма нарса илгариги ҳолатига қайтаверди. Ҳозир биз бунинг қайтарилишига йўл қўймаслигимиз керак. Чунки бутун дунё тўб ўзгаришларга жалб этилди, бу ўзгаришлар сўнггги ўн йилликда шиддат билан кечмоқда, баъзан эса улар ўткир ижтимоий ва сиёсий тус олмоқда.

Етмишинчи йилларнинг бошидаги нефть танглигидан кейин Ғарб қатъий чоралар кўриб ва тез суръатлар билан структуравий қайта қуришларни амалга оширганини, бундан муддаоси янги вазиятга мослашиш бўлганини эсланг. Ўшанда 10 миллионлаб ишсизлар кўчаларга улоқтириб ташланди, қанчадан-қанча эски заводлар ва кўмир конлари ёпилди. Ўша кезлар биз бу бизга дахлдор эмас, деб ҳисобладик. Мамлакатимиз жуда катта ресурсларга эга, деб кўз-кўз қилаверднк, уларни ҳуда-беҳуда сарфладик ва бу бизнинг барча қурсурларимизни, бутун хўжасизлигимизни ёпиб кетди. Шу тахлитда ўзимизни, ўз шанимизни асраб қолдик. Бунинг устига, табиий запасларга ва меҳнат ресурсларининг ўсиб боришига суянибгина қолмай, нефть конъюктурасидан, бозордаги жаҳон конъюктурасидан фойдаланиб, ана шу ресурсларни сотдик. Шу аснода тўсатдан ресурсларни қидириб, олис шимолга боришимизга, чуқурроқ қатламларни излашимизга ва Шарққа қараб юришимизга, янги коммуникациялар ўтказишга, янги районларни ўзлаштиришга тўғри келди. Оқибатда ресурсларни кўпайтириб бораверишга ва қўйиладиган ҳар бир қадам бутун комплексимизга жуда қимматга туша бошлади. Бу — биринчидан, иккинчидан эса, меҳнат ресурслари ўсиб бораверишида пастлашиш содир бўлганда ва бизга ишлаб чиқаришни ўстириб бораверишга лозим бўлганида, шуни уқиб олдикки, фан-техника тараққиёти билан чинакамига дуруст шуғулланмаган эканмиз. Ғарб модернизация ва структура сиёсати билан шуғуллана бошлаганидан кейин биз ҳам шундай қилиш зарур, деб тан олдик ва Пленумга тайёргарлик кўра бошладик. Таҳлил қилиб кўриб, чўчиб кетдик. Ҳозирги кунгача ҳам Пленум учун тайёрланган ўша доклад ва бир қоп маълумотнома партия Марказий Комитетида турибди, ўша доклад ҳам, маълумотномалар ҳам биз бундан 15-17 йил муқаддам туб бурилиш қилиш лозимлигини тушуниб олганлигимизнинг далолатидир, аммо шу иш қилинмай қолиб кетди. Кекса авлод, айниқса коммунистлар хотирасида бўлса керак: Л. И. Брежнев биз фан-техника сиёсати, илмий-техникавий тараққиёт масалаларига бағишланган Пленумга тайёргарлик кўрмоқдамиз, деб эълон қилган эди. Худди ўша кезда темирни қизигида босиш керак эди! Худди ўша кезда қайта қуриш етилган эди, худди ўша кезда улкан масалаларни ҳал этиш керак эди. Аммо бунга журъат қилолмадик.

Ғарб эса қайта қуришни амалга ошириб, янги технологияларни жорий этиб, ресурсларни тежаб қолишга ўтди. Натижада нефтнинг нархи пасайиб кетди. Аммо бу фақат нефтгагина дахлдор эмас эди. Биз валютадан ажраб қола бошладик ва шундай қилиб техника тараққиёти учунгина эмас, шу билан бирга халқ учун зарур бўлган оддий молларни сотиб олиш учун ҳам ўз имкониятларимизни қисқартира бошладик. Нефть нархи 2,5—3 баравар арзонлашиб кетган ҳозирги вақтда биз ҳар йили қатъий валютада камида 7 миллиард доллардан маҳрум бўлиб қолмоқдамиз. Агар буни ички нархларга айлантириб ҳисоблайдиган бўлсак, бу 70 миллиард сўмдир. Бу-ларнинг ҳаммаси биргаликда ана шундай оғир аҳволга олиб келди. Яна шуни ҳам илова қилиш керакки, бизда экология, маданият, тил муаммолари, катта ва кам сонли халқлар аҳволига дахлдор, республикаларга дахлдор муаммолар пайдо бўлди. Хуллас, ўртоқлар, биз бундан буён шундай яшаб бўлмайди, деган фикрга келдик. Қайта қуриш зарур эди. Аммо биз буни дарҳол тушуниб олмадик ва фақат қисман ўзгаришлар зарур, деб ўйладик. Эсингизда бўлса, қайта қуриш бошланган кезлар «Фан-техника тараққиёти негизида жадаллаштириш лозим» деган шиор илгари сурилган эди. Программаларни ишлаб чиқишга киришдик, Ватанимиз саноатини реконструкция қилиш программаси ишлаб чиқилди, фан-техника тараққиётига йўл очиш учун электроника соҳасига икки баравар кўп маблағ ажратилди. Аммо иш ўрнидан силжимай қоларди, иқтисодиёт, меҳнат коллективлари буни қабул қилмади. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бунинг сабаби шундаки, муносабатларнинг харажатли системаси ана шундай, инсоннинг, корхоналарнинг аҳволи ана шундай. Ялпи маҳсулотга зўр берган корхона ресурсларни ўмариб кетаверади, унга ялпи маҳсулотни кўпайтириш учун катта меҳнат ресурслари, катта харажатлар зарур.

Шу сабабли биз миллий даромад бирлигига ривожланган мамлакатларга нисбатан 20-25 процент, ҳатто бир ярим-икки баравар кўп сарф-харажат қиляпмиз. Бинобарин, мавжуд ресурслар билан ҳозир бутун халқ учун камида учдан бир баравар, ҳатто бир ярим баравардан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришимиз мумкин эди.

Ниҳоят, биз бурилишни бошладик, лекин хўжалик юритишнинг ҳозирги системаси ана шу ёндашувларимизни рад этишини кейин кўриб қолдик. Шундан кейин биз тушуниб: бизга туб иқтисодий ислоҳот, мулкка муносабатни ислоҳ қилиш ва шу кабилар зарур деб эълон қилдик. Ана шу ишлар билан шуғуллана бошладик ва бу жараён секинлашаётганини кўрдик. Унга нима тўсқинлик қила бошлади? Маъмурий-буйруқбозлик системаси тўсқинлик қила бошлади. Бутун жамиятни занжир билан боғлагандек итоат риштаси билан ўраб ташлаган қудратли система тўсқинлик қила бошлади. Шу тариқа биз агар ана шу системани бузиб ташламасак, ҳеч бир ишда олға томон ҳаракат қила олмаймиз, деган хулосага келдик. Шу тариқа сиёсий ислоҳотга етиб келдик. Яъни қайта қуриш давомида воқеаларни, сиёсатимизнинг ўзаро боғлиқ барча йўналишларини таҳлил қилиш натижасида бизга қайта қуришнинг пухта ўйланган комплекс концепцияси зарурлигини тушундик. Жамиятимизнинг имкониятларини рўёбга чиқариш вазифа ва мақсад бўлиб қолди.

Ҳа, ўртоқлар, кўп нарсага путур етказган бўлсак ҳам, камдан-кам давлат биздаги каби улкан имкониятга эга. Жуда катта табиий ресурсларимиз бор, улкан ер, ўрмон ва сув ресурсларимиз мавжуд. Билимдон халқимиз, қудратли фанимиз бор. Лекин буларнинг ҳаммаси умуман бир жойда депсиниб, ташаббусни қўлдан бера бошлади ва ҳар қандай жамият учун хавфли бўлган ўша турғунликка олиб келди. Шунинг учун ҳам ана шуларнинг ҳаммасини, образли қилиб айтганда, портлатиб юбориш керак эди. Шу сабабли ҳозир мамлакатдаги вазият чигаллашган пайтда баъзилар бутун айбни қайта қуришга ағдармоқчи бўлса, ўртоқлар, бу катта хато ва янглишишдир. Буни ҳаммамиз тушуниб олишимиз жуда муҳим. Чунки ана шундай хулосалар, баҳолар ва янглишишлар асосида ҳозирнинг ўзидаёқ ўша «қайта қуришга» чек қўйиш керак деган овозлар эшитилмоқда. Яна ҳаммага буйруқ бериш керак, яна ҳаммани туртиб туриш керак, дейишмоқда. Йўқ, бундан ҳеч иш чиқмайди, чунки маъмурий-буйруқбозлик системасининг умри тугади. У жамиятда тўпланган интеллектуал имкониятларга ҳал қилиб бўлмайдиган даражада зид келиб қолди. У ҳамма нарсага тўсқинлик қилмоқда. Бир вақтлар буржуазия ва пролетариат олдида кимкимни енгади, деган масала кўндаланг бўлган эди, ҳозир ҳам мазкур масала шундай қўйилмоқда. Хуллас, ана шу системани мажақлаб ташлаш керак. Ана шу система амал қилган пайтда иссиқ жойни эгаллаб турган, ҳамма нарса билан таъминланган кишиларгина бу система яксон қилингани учун йиғи-сиғи қиладилар.

Қайта қуришни бошлаганимиздан кейин ҳамиша ҳам ақл-идрок билан иш тутдикми?

Ўз ишимиз тўғрисида ҳам гапирадиган, унга баҳо берадиган пайт келди, деб ўйлайман. Қайта қуриш аввало чора-тадбирларнинг, йўналишларнинг бутун бир комплексини ўз ичига оладиган концепция сифатида режалаштирилганда, унда камчиликларга йўл қўйилган эди, бу режалар эса бир текис амалга оширилмади. Биз корхоналарга мустақиллик бердик, лекин бу тадбир билан боғлиқ жиҳатларнинг ҳаммасини ўйлаб кўрмадик. Бунинг оқибати нима бўлди? Кўпгина корхоналар мустақилликка эришиб, аввало ўз манфаатлари тўғрисида жон қуйдира бошлади. Мисол учун енгил саноат корхоналарини оладиган бўлсак, улар 20 хил маҳсулот ишлаб чиқаришимиздан нима фойда? Уч хил маҳсулот ишлаб чиқарамиз — иш осонроқ бўлади, ихтисослаштириш тезроқ бўлади, машина-ускуналар камроқ қайта созланади деган фикрга келишди. 20 хил маҳсулот қаёқда-ю, уч хил маҳсулот қаёқда? Бунинг маъноси шуки, 20 хил маҳсулот катталарнинг ҳам, болаларнинг ҳам, ёшларнинг ҳам эҳтиёжига мос келар эди, ҳозир эса фойда бермайдиган, норентабел маҳсулотларни ишлаб чиқармай қўйишди. Айниқса арзон маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилди. Фойда олиш кўпая бошлади, жамият эса бундан ҳеч қандай наф кўрмади. Мустақиллик бизга ана шундай оқибат келтирди. Кейинчалик иш яна ҳам мушкуллашди. Фойдани, иш ҳақини кўпайтиришга зўр беришди. Ўтган йилнинг ўн бир ойи давомида иш ҳақи таҳминан 13 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 5 процент ошди.

(Давоми иккинчи бетда).

МУШТАРАК МУАММОЛАРИМИЗНИ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ЭТАЙЛИК

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Демак, кам маҳсулот ишлаб чиқариб, тўғрироғи маҳсулот ишлаб чиқаришни унча кўпайтирмай, кўп иш ҳақи оляпмиз. Агар иш ҳақининг кўпайтирилиши унумли меҳнатнинг пировард натижалари кўпайиши билан баравар амалга ошмаса, унинг кимга кераги бор? Бинобарин, пул кўпайиб кетмоқда. Бозорда мувозанат йўқолди. Ана шундай пуллар ва бунинг устига ичкиликбозликка қарши кампанияни ўтказишдаги хатоларимиз ва камчиликларимиз — буларнинг ҳаммаси бозоримизда мол тақчиллигига олиб келди.

Ҳа, ўртоқлар, биз янги сиёсий муҳитни, ошкоралик муҳитини вужудга келтирдик. Одамлар ўз фикрини айтиш, ўз позициясини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар, улар ўзларини граждан деб ҳис эта бошладилар — бу жараён давом этмоқда. Буларнинг ҳаммаси яхши, бу — мамлакат учун зарур. Чунки инсон аввало ўзини инсон сифатида ҳис этиши керак. Ахир бу инсон сифатида яшаш, шахс имкониятларини рўёбга чиқариш учун меҳнат қиляпмиз-ку. Меҳнатимизнинг моҳияти ана шунда. Шу билан бирга одамлар турмушда шундай муаммоларга дуч келмоқдаларки, қайта қуришга нима бўляпти, деб ташвишланмоқдалар. Шу муносабат билан мамлакатнинг истеъмол бозорида пулнинг қадрсизланишига олиб келган тўпланиб қолган кескинликларни бартараф этиш биринчи навбатдаги вазифадир. 1990 йил плани ана шундай имконият беради, 1991 йилга мўлжалланган режалар ҳам бор. Бу соҳада биз жуда қаттиқ сиёсатни ўтказамиз. Балки айрим ҳолларда ҳатто одамларга мақбул бўлмайдиган чоралар ҳам кўрилар. Бундай чоралар, бир томондан, ўзимизни тутиб олиш учун, иккинчи томондан, товарлар ҳажмини кўпайтириш, мумкин қадар кўпайтириш учун амалга оширилади. Сизларга айтишим мумкин: 1988 йилга, ҳатто 1987 йилга қадар биз товарлар ишлаб чиқаришни йилига 10-12 миллиард сўмлик кўпайтирар эдик, бундай ўсиш 1988 йилда 24,5 миллиард сўмни, ўтган йили эса 35 миллиард сўмни ташкил этди. Яъни товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш уч баравар жадаллашди, уларнинг ҳажми ортиб бормоқда. 1990 йилда товар ишлаб чиқаришни деярли 66 миллиард сўмлик кўпайтириш режалаштирилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, пул бекордан-бекорга олинмаслигини назорат қилиб бориш керак, иккинчи томондан эса, иқтисодиётимизнинг бутун имкониятларини эҳтиёжларни қондиришга, товар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратиш керак. Шу мақсадда биз мудофаа саноатини ҳам, бошқа секторларни ҳам ана шу йўналишга асосли равишда буриб юбормоқдамиз.

Бу ишларнинг ҳаммаси тезроқ натижа бериши учун нимадир бериш, нимадир қилиш керакдир? Бозорни, молиявий системани соғломлаштириш билан бевосита боғлиқ бўлган ишлардан ташқари, ўртоқлар, одамлар ташаббус кўрсатишлари учун кенг имконият бериш керак. Одамлар ўзини кўрсатиши учун уларга имкон бериш керак. Бусиз, шу билан бир қаторда иқтисодий ислоҳотсиз, мулкка, хўжалик юритиш шаклларига муносабатни ўзгартирмай туриб, ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди.

Шу сабабли ислоҳотни жадаллаштириш керак, шу йилнинг дастлабки ойлари ана шу ишга бағишланади. Ҳозир бу йўналишда тезроқ ҳаракат қиламиз, лекин бу ҳар бир кишидан ақлни кўпроқ ишлатишни талаб қилади. Баъзи бировлар: ҳамма нарсани бўлиб бериш, хусусийлаштириш керак, дейишмоқда. Шу муносабат билан бир нарса ёдимга тушди: мамлакат халқ депутатларининг иккинчи съездига тўпланиб, ҳукумат программасини муҳокама қила бошлаганимизда, Ғарбдаги баъзи жойларда, айниқса Америкада биздан хафсалалари пир бўлди. Улар съезд халқ мулкининг ярмидан кўпроғини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади, деб кутган эдилар. Бундай қилиш давлат мулкининг 50-60 процентини хусусий мулкка тақсимлаб бериш бўлур эди. Лекин бундай кутиш биз мулоқот олиб бораётган, жумладан қайта қуриш ва бошқа масалалар юзасидан фикрлашаётган шериклларимиз жамиятимизни яхши тасаввур эта олмасликларидан далолат беради. Йўқ, биз бундай қилмаймиз, мулкчиликнинг турли шакллари орқали ва хўжалик юритишнинг янги шакллари орқали биз иқтисодиётимизга янги куч бағишлашимиз лозим. Биз капиталистик тузумни тиклаш йўлидан бормаймиз. Капитализм йўлига ўтишга ишчилар синфи ва деҳқонлар рози бўлмайдилар, деб ўйлайман. Биз якка тартибдаги мулкчиликни истисно этмаймиз, унинг доираларини кенгайтирямиз, фақат колхозларни эмас, деҳқонларнинг меҳнат хўжаликларини, шахсий секторни ҳам рағбатлантирямиз. Хуллас, иқтисодий турмушда, шу жумладан хусусийлаштириш негизида кўпроқ эркинлик бериш керак.

Иқтисодий мустақиллик, эркинлик фақат республикалар ёки регионларнинг иқтисодий мустақиллиги билан боғлиқ, деб ўйлаган кишилар катта хато қиладилар. Иқтисодий эркинлик ва мустақилликнинг, хўжалик ҳисоби шаклларини, хўжалик юритишнинг ижара ва бошқа янги шаклларини ривожлантиришнинг қалити — асосий бўғини қайта қуришдир. Ҳар қандай иқтисодиётда асосий бўғин — корхонадир. Агар корхонада ҳамма нарсани ўз қолича қолдириб, фақат марказнинг вазифалари республикаларга тошириласа, бир бюрократнинг ўрнини иккинчи бюрократ эгаллайди. Буни эркинлик, деб бўладими? Келинглар, ўйлаб кўрайлик. Бу биринчидан.

Иккинчидан. Ҳозир биз энг қийин йўлга чиқиб олдик. Митинглар бўлиб ўтди, сиёсат белгилаб олинди, энди эса қонунлар, янги иқтисодий, ҳуқуқий муҳит вужудга келди ва ҳамма нарса ана шу муҳитда қайнамоқда. Иқтисодиётга, бошқариш системасига қўл урдик, шу сабабли иттифоқ қозонимиз биқиллаб қайнай бошлади, буларнинг ҳаммаси кадрларга, партияга, армияга дахлли бўлди, ҳамма нарсага дахлли бўлди. Ахир бу, ўртоқлар, оддий иш эмас. Иллар, ўнлаб йиллар давомида миямизга ўрнашиб қолган нарсаларни чиқариб ташлаш осон эмас. Очиғини айтаман, энг қийини ҳамма нарсани одамларнинг миясига қўйишдир. Бундай қилиш жуда қийин кўчмоқда, ҳозирнинг ўзидаёқ: бизга бунинг кераги йўқ, орқага қайтамиз, деган гаплар эшитилмоқда. Шундай овозлар эшитилмоқда, бинобарин улар бозорлар, магазинлардаги ижтимоий кескинликдан, одамларнинг норозилигидан фойдаланиб, қайта қуриш жараёнини барбод этишдан ҳам қайтмайдилар. Биз буни билиб олишимиз керак.

Сўнгра шуни ҳам айтаманки, бу ишларнинг ҳамласи ўнлаб халқлар яшаётган улкан мамлакатда амалга оширилмоқда. Мен кўп йил давомида Доғистонга қўшни бўлиб яшадим, у ерда ҳар бир даранг тили бошқа. Воқелигимиз ана шундай. Қайта қуриш, яқин ва олис истиқболимизни тасаввур этиш билан миллатлараро муносабатларнинг бутун мажмуаси ўртасидаги диалектик ўзаро боғлиқликни тушуниб етиш муҳимдир. Қайта қуриш ана шу муаммоларнинг юзага қалқиб чиқишига имкон берди, улар жўн муаммолар эмас. Қайта қуриш барча халқларимизни уйғотди ва замонавий тараққиётнинг катта йўлига олиб чиқди. Бу ҳақиқатдир. Шу билан бирга ўтган йиллардаги репрессиялар, турли тусдаги кампаниялар, ўзгача фикрдаги кишиларга қарши кураш ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган муаммолар юзага чиқиб қолдики, уларнинг ҳамласи одамларнинг тақдири, халқларнинг тақдири билан боғлиқ. Шунга қарамай, келажакни кўзлаб сабоқ чиқариб олиш учун биз билан юз берган воқеаларнинг ҳаммасини фақат шу йўл билан, ҳаққоний баҳо бериш йўли билан тушуниб етиш мумкин.

Келажакни кўзлаб, аввало, сиёсий сабоқ чиқариб олиш керак. Сталинизм идеологиясини ва у билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани, шу жумладан маъмурий-буйруқбозлик системасини бузиб ташлаш керак. Иккинчи сабоқ шуки — биз кўп миллатли давлатимизнинг ҳар бир халқ имкониятларини — ҳам интеллектуал, ҳам маданий имкониятларини, унинг анъаналарини ривожлантиришга имкон берадиган структурасини яратиш йўлидан боришимиз лозим. Илгари «миллатларнинг қўшилиши», «тилларнинг қўшилиб кетиши» ва шунга ўхшаш гапларни айтган бўлсак, ҳозир биз ҳамма нарсани бир қолипга солишга уриниш нималарга олиб келганини биламиз. Бундай уринишлар умуман халқларимизни, ҳеч истисносиз барча халқларни камситар эди. Шу сабабли биз ҳозир ана шу сиёсатни қайта қурсак, олға томон муваффақиятли ҳаракат қила олишимизни тушуниб етишимиз керак. Бундай сиёсатни мамлакатимиздаги барча халқлар қўллаб-қувватлайдилар, чунки биз ҳеч нарсага менсимай қарамаймиз, аксинча миллатлараро ва муаммоларнинг бутун мажмуини ўрганиш билан жуда пухта шуғулланмоқдамиз.

Яширишга ҳожат йўқ, биз халқлар дўстлиги тўғрисида жуда кўп қадаҳ кўтардик, турли маърузаларда чиройли гапларни айтдик. Бир томондан бу гаплар тўғри эди. Лекин, иккинчи томондан, гапириш лозим бўлган гапларни айтмадик. Гўё ҳеч қандай муаммо йўқ эди, бўлса ҳам муҳим аҳамиятга эга эмас, деб ҳисобладик. Энди эса бу соҳада муаммолар кўплигини ва уларни ўзгача позицияларда туриб, сўзсиз ҳал этиш лозимлигини кўриб турибмиз. Республикангиздаги ўртоқлар, Эстония ва Латвия раҳбарлари билан суҳбатларда мен бу соҳада асосий принципларни бир неча қоидаларга бўлиш мумкинлигини айтдим. Биринчиси: биз, шубҳасиз, барча одамлар, улар қайси миллатга мансублигидан, қаерда яшашларидан қатъи назар ўз ҳуқуқларидан тўла фойдалана оладиган тарзда ҳаракат қилишимиз керак. Мамлакатда ҳам, республикада ҳам, регионда ҳам камчиликни ташкил этувчи халққа нисбатан ҳеч қандай камситишга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳамма одамлар қаерда яшасалар, меҳнат қилсалар, тақдир уларни қаерга келтирган бўлса, ҳамма жойда ўзларини дадил ҳис этишлари лозим.

Агар биз, ўртоқлар, бу нақадар муҳимлигини тушуниб етмасак, инсонийлик соҳасида шу қадар хато қиламизки, одамларимиз ўртасидаги муносабатларни шу қадар заҳарлаб қўямизки, кейин бутун-бутун авлодлар одамларни бирлаштиришга уринадилар-у, бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Мен чўчитаётганим йўқ — ҳамма нарсага сезгирлик билан қараш керак. Мен буни тил тўғрисидаги низомни ишлаб чиқа бошлашган пайтда, сиёсий ислоҳотни ҳисобга олиб сайлов системасини ўзгартира бошлаган пайтимизда жуда яхши тушуниб олдим. Бу ишдаги заррача бузилиш ҳам одамларни жунбишга келтиради! Бундай бузилишлар Эстонияда, Молдавияда қандай оқибат келтиргани эсингизда бўлса керак. Бундай воқеалардан Россия ва Украина ҳам четда қолмади. Жамиятимиз бирданига жунбишга келди. Ўзбекистонда, Фарғонада нималар бўлганига, Тоғли Қорабоғ теварагида нималар бўлаётганига бир назар ташланг. Воқеаларни нормал изга солиб юбориш нақадар қийин. Одамлар бирголикда яшаб келишди, оила қуришди, энди эса ана шу оилаларнинг бузилишига тўғри келмоқда. Мамлакатимизда қочоқлар, турли миллатга мансуб кишиларга нисбатан муросасизлик билан қараш негизида қочоқлар пайдо бўлди. Ана шу сабоқларни қулоққа олмасак, уларни қабул қилмасак ва ҳар бир киши ўзининг қандайдир андозасига ўралашиб қолса, бизларни нималар кутади, келинглар шу ҳақда ўйлаб кўрайлик. Бизларни нималар кутади?

Бу ҳақда ҳар бир киши ўзи ўйлаб кўрсин. Мен ўз фикримни тиқиштирмоқчи эмасман, лекин очиғини айтаман: ишончим комилки, бошқа йўлга ўтилса, кези келганда айтиш керак, иккинчи съезд ҳам муҳим деб тасдиқлаб қабул қилган бу принципга содиқ бўлмасак, у ҳолда бошимизга қулфат тушиши муқаррардир. Ёки бирданига қаердадир марза, чегара бузилган, ернинг, яйловнинг бир қисми қаёққадир ўтиб кетган, бир аср ёки ярим аср олдин ундай эмас, бундай эди, деган масалалар кўтарилмоқда. Ҳамма нарсани қайтадан тақсимлаш керак дейилмоқда. Ҳозир ана шундай йўлга ўтиш мумкинми, ахир? Урушдан кейин 30 йил ўтгач, дунё Хельсинки ҳужжатида чегараларнинг дахлсизлиги тўғрисидаги қоидани ёзиб қўйди, ахир бунда, айтайлик буюк ҳақиқат ва донолик бор-ку. Бу, ўртоқлар, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам, мамлакат ичкарисидаги муносабатларда ҳам ғоят муҳимдир. Бошқача ёндашув олдиндан билиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ана ўшанда бирданига саволлар ёғилиб кетади — шу тарақа қараб турибсанки, Вильнюсгача етиб боради... Такрор айтаманки, мамлакатда ҳам шундай бўлади. Мен мамлакатимизда одамларнинг тақдирини бўлиб юбора оладиган, ана шундай мўъжизакор истеъдодга эга бўлган моҳир инсонни, сиёсатчини, ким бўлса ҳам бундай одамни билмайман. Бундай бўлиб юбориш бошн берк кўчага олиб боради.

Ўшанда Болтиқбўйи республикаларининг раҳбарларига мен баён қилиб берган биринчи принцип ана шундай. Улар менинг гапларимга қулоқ солишмади, тушуниб етишмади дея олмайман, лекин улар ҳамма нарсани пухта ўйлаб кўришди, чуқур англаб етишди ҳам дея олмайман. Энди иккинчи принцип тўғрисида. Биз бу мамлакатда оғизда федерация эълон қилиб, лекин амалда, афсуски, федерация сифатида эмас, балки яхлит бир давлат сифатида ривожланиб келдик .

Бу сталинча концепцияга, ўша диктаторлик идора усулига мос эди .Шу муносабат билан давлатимизда чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Демографияда ҳам, иқтисодиётда ва мудофаани ташкил этишда ҳам, коммуникацияларни қуриш ва бунёд этишда ҳам теран ўзгаришлар содир бўлди. Ягона давлат худди ана шу ягона давлатнинг ичида меҳнатни ягона давлатдагидек тақсимлар эди, айни вақтда ишлаб чиқариш кучларини марказлаштирилган йўсинда жойлаштириш асосида тақсимлаш эди. Республикалар, областларнинг вакиллари эса янги заводлар учун ким кўпроқ капитал маблағ «ундиради», деб мусобақалашар эдилар. Агар бугун кимдир сизга буларнинг ҳаммаси марказнинг «кирдикори» деб айтадиган бўлса, — бу ерда, заводда менга бир ўртоқ қуйидагиларни айтди: «бу ҳол жаҳонгирлик фикри, ишлаб чиқариш кучларини тақсимлаш ва жойлаштириш орқали бу ерга русларнинг таъсирини ўтказишга уриниш бўлди, бундан мўддао — асли шу ерлик халқларни асоратга солиш, қувғин қилиш эди, бу аён кўриниб турибди-ку». Ҳамонки шундай экан, мен қуйидаги ахборотни айтмоқчиман.

Бу масала ўртага қўйилиб, одамларнинг билмаслиги, бехабарлигидан фойдаланиб, каллоблик қилинаётгани равшан кўринди қолганида мен партия Марказий Комитетида республикалар, областлар, автоном республикалар ва регионлардан тушаётган илтимосларни, янги корхоналар қуриш тўғрисидаги илтимосларни умумлаштиришни топширдим. Ҳозир менда ана шундай илтимосномаларнинг бутун бир мажмуаси бор. Бу нимадан далолат беради? Бу ранжишлар, айблашлар хусусида мусобақа борганидан далолат беради. Бунда пленумлар ва сессияларнинг стенограммаларини ўқиб чиқиш кифоя қилади. Кимгадир кўпроқ, кимгадир камроқ беришганмиш, кимгадир завод берилибди. Бизга эса, бунга қарангки беришмади... Шундай қилиб бу ўринда марказ ҳам «ишлади» ва ҳамма ҳам биргаликда ишлади! Бу бор ғап. Бунинг устига, Литва ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда узоқ вақт мобайнида ажойиб, жуда катта, мураккаб арбоб — ўртоқ Снечкус ишлади. Мен уни шахсан танийман. Бирбиримизга меҳримиз тушган эди, мен у кишининг позициясини биламан ва Литва учун нима ишлар қилганини ҳам биламан. Снечкус бу хутор республикасини тараққий этган замонавий республикага айлантирди. Эндиликда бу республикани, умуман, имкониятларига кўра, барча жиҳатларига кўра, давлат билан таққосласа бўлади. (Қарсаклар).

У ана шу ерларни ҳосилдорроқ, бадавлатроқ қилиш учун иттифоқ бюджетидан қанча маблағ олганлигини сиз биласиз. Илгари эса одамлар Кубань ва Ставрополь ўлкасига бориб ишлаб, бир тоннадан дон топиб келишар эди. Эндиликда бирор бир киши ана шундай мақсад билан Литвадан жўнаб кетяптими? Акси бўляпти, чоғи. Илгари эса уларни муҳтожлик мажбур қилар эди. Ҳа, бу ерда баъзи кимсалар олтин давр, деб кўрсатишга уринаётган вақтда одамлар муҳтожликдан сарсон бўлиб қолган эди. Лекин бу қандай «Олтин давр» бўлганлигини бизлар биламиз-ку, ахир. Ана ўша пайтда неча юз минглаб одамлар она юртларини ноилож тарк этиб, чет элларга жўнаб кетишган. Йўқ, ўртоқлар, ҳеч нарсани бўяб-бежаб кўрсатмаслик керак. Сира бундай қилмаслик керак. Бизга фақат ҳақиқат зарур, тўла ҳақиқат керак, жумладан ўша давр тўғрисидаги ҳақиқат даркор. Акс ҳолда қаллоблик, «ўчакиштириш» кишилар кўнглига ранж-алам уруғларини сепади, умуман уйғониши лозим бўлмаган ҳис-туйғуларни уйғотади.

Шундай қилиб, бизга федерация, бизда таркиб топган, тарихан таркиб топган федерал иқтисодий асос негизидаги сиёсий устқурма сифатида федерация керак. Федерациямизнинг зарурлигини ўтмишимиздаги иқтисодий ривожланиш ҳам тақозо этади. Биз бутун Европа бирлашмоқда, яна ҳам мустаҳкамроқ умумий бозор сари бормоқда деймиз. Кооперация даражаси —Давлат план комитетидаги ўртоқлар буни тасдиқлашади, республикангизнинг раҳбарлари ҳам буни биладилар — биздаги кооперация даражаси кўп ҳолларда Европа ҳамжамиятидагига нисбатан юқорироқ бўлиб чиқди! Меҳнат тақсимоти мана бундай бўлибди. Заводингиз директори сиз 200 корхона билан боғланганингизни менга бекорга айтмагандир. Ишчилар эса хом ашё ва материаллар вақтида етказиб берилмаётганидан нолимоқдалар.

Биз ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз. Масалан, Литвадаги бир қанча корхоналар мамлакатдаги яккаягона корхоналардир. Агар бугун корхона тўхтаб қолса ёки ундаги ишни тўхтатиб қўйишса, бутун иттифоқ мақтал бўлиб қолади, бутун иқтисодиётга путур етади. Бу яхшими ёки ёмонми? Ёмон деб ўйлайман. Ана шундай монополизм таркиб топди ва бу ёмондир. Ёки қўшнингиз — машҳур Раф заводини олайлик. Бу корхонада автомобиллар йиғилади, холос. Унга юзлаб корхоналар зарур нарсаларни етказиб беради. Тўғрисини айтадиган бўлсак, бундай кооперация жаҳондаги ҳозирги тенденцияларга мосдир. Ёки мудофаа, коммуникация, портларни олиб кўрайлик, булар орқали жуда катта мамлакатимиз жаҳон билан боғланган. Мамлакатимиз ана шу портларни қуриш, шу алоқаларни ўрнатиш учун маблағ сарфлаган. Бундан сизнинг республикангиз нима наф кўрди? Гарчи тўла бўлмаса ҳам, аммо катта наф кўрганлигини айтиш керак.

Мен ҳам, ўртоқ Бразаускас ҳам ҳамма нарсани биламиз, бу унга аён, тўғри, шунинг учун ҳам Бразаускас портлардан олаётган нарсаларимиз кам демоқда. Тўғри, портлардан етарлича олмаяпсиз. Умуман эса сиз Иттифоққа берган валюта молларингизга нисбатан кўпроқ валюта олгансиз. Бу фикрга ўртоқ Бразаускас ҳам қўшилмоқда. Умуман, одамлар ҳамма нарсани билишса, суҳбат ҳам амалий бўлади. Баъзилар билиб, бошқалар ҳеч нарсани билмаса, ана ўшанда қаллоблик бошланади.

Ҳозир ҳам биронта республика бошқа республикасиз яшай олмайди. Ахир Ўзбекистоннинг бутун замини Иттифоққа хизмат қилмоқда-ку. Иттифоқ буюртмасини бажариш учун ерларнинг 75 фоизида фақат пахта етиштирилди, одамларга яна ғўшт ва сут ҳам керак-ку, ахир. Лекин Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳаммамизга зарур бўлган пахтани етиштириб бермоқдалар. Биз уларга сут, ғўшт ва сарёғни бошқа жойлардан олинг, мамлакатга эса пахта беринг, демоқдамиз. Мана буни ихтисослаштириш дейдилар. Ҳозир биз шу тариқа бир-биримизга боғлиқмиз. Ҳамонки, биз мустақиллик ҳақида гапираётган эканмиз, бундан буён нима қилишимиз керак, деган савол туғилади. Агар биз сиёсий тавсифлар, баландпарвоз шиорлар даражасида ҳал этадиган бўлсак, кулфатдан бошқа нарсага эришмаймиз. Агар воқеликни ҳисобга оладиган бўлсак, реал сиёсатни қандай рўёбга чиқариш йўлларини изласак, олға қараб боравермиз.

Федерацияни шу ҳолатда қолдириб бўлмайди, республикаларни шу аҳволда қолдириб бўлмайди, мен бунга аминман, биз иттифоқ ичидаги ҳамма нарсани уйғунлаштиришимиз керак, бундан муддао — ҳеч нарсани қайтадан ўзгартирмаслик ва ҳеч бир халқнинг бошига оғир синовларни солмасликдир. Россиядек катта республика ҳам ёлғизланиб қолгудек бўлса, ожизланиб қолади. Ҳолбуки, Россиялиларда ҳам ана шундай жараёнлар бошланди. Чунки бу ердан туриб ўз фикрларини Россияга тиқиштиришмоқда. Россиялиларга ҳам ана шундай ножўя фикрларни тиқиштириб, олимларнинг «ишланмалари»га ишора қилмоқдалар: агар Россия иттифоқдан ажралиб чиқса, у тўрт йил деганда жаҳонда энг гуллаб-яшнаган давлат бўлар эмиш (Қарсаклар). Қарсак чалмасдан, эшитганингиз маъқул. Депсинишимизни, қарсак чалишимизни мен умуман истамайман. Фикр юритишимизни истайман. Мен бирга мулоҳаза юритиш, у томоннинг ҳам, бу томоннинг ҳам далилларини эшитиш учун келганман. Агар кимда-ким ўз фикрини тиқиштирмоқчи бўлса, фикрлар хилма-хиллигидан, ҳақиқатдан асар қолмайди, иззат-ҳурматдан ҳам асар қолмайди. Федерациямизга, албатта мустақиллик керак. Биз республикаларга мустақиллик беришимиз зарур. Иттифоқ ва республикаларнинг сиёсий соҳадаги ваколатларини мумкин қадар кенгроқ белгилаб қўйишимиз керак.

Бу ердагилар: Литвага озодлик ва мустақиллик берилсин, дейишмоқда. Агар билсангиз, бу гап ўйинга ўхшайди. Бугун мен В. И. Ленин ҳайкали ёнида Вергилиус исмли йигит билан суҳбатлашдим. У ҳам литваликларга озодлик керак, деди. Яхши, дейман, келинг, гапни мана шундан бошлайлик. Сиз — озодсиз. Мен — озодман. Атрофимиздаги ҳамма кишилар озод. Аммо биз биргаликда яшашимиз керак-ку. Хўш, биз қандай бошлашимиз керак? Ўз озодлигимиз ва манфаатларимизни бир-биримизга мослаштиришимиз керак. Бир-биримиз билан ҳисоблашишимиз, бир-биримизни ҳурмат қилишимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак. Одамлар ўртасида шундай бўлиши лозим .Акс ҳолда муносабат ўрнатиб бўлмайди. Оилада ҳам ҳамма нарса осонгина бўлмайди-ку. Халқлар ўртасида-чи? Мана, Литва — озод, дейлик, аммо сизлар бошқалар билан ҳамкорлик қиласизларми ёки йўқми? Ёки ҳамкорликни тўхтатиб қўясизларми? **Залда овозлар:** «Ҳамкорлик қиламиз!». Агар билсангиз, ҳамма жараёнлар — иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнлар ҳамоҳанг ва баб-баравар давом этади. Шу сабабли ҳар бир халққа ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятини бериш, федерацияни янги, амалий мазмун билан лиммо-лим тўлдириш лозим — мана шундай қилиш керак! Бошқача йўл эса шундай кучларни ҳаракатга келтирадики, уларни биз ҳаёлимизга ҳам келтира олмаймиз. Хўш, қайси йўлдан борамиз? Ҳозиргача вужудга келган нарсаларни бузмай, уларга янгича тус бериш ва янги мазмун билан тўлдириш имконини берадиган, чинакам тенг ҳуқуқли, суверен давлатлар иттифоқини барпо этадиган йўлдан борамизми? Ёки халқларни, тақдирларни, экономикани парчалашга — ҳамма нарсани қайтадан бичишга киришамизми? Мана шу йўл маъқулми?

Ўртоқлар! Кўп йиллар муқаддам иши юришмаган одамлар мана шундай фикрларни ўртага ташламоқдалар, улар ўша замонларни қўмсамоқдалар! (Қарсаклар). Ёки ҳозир уларнинг бирон-бир ниятлари рўёбга чиқмаган. Шу сабабли улар ўзларининг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариб олишни хоҳлайдилар. Ҳар қандай бўлганда ҳам, келинглар, бир ўйлаб кўрайлик, нотўғри фикрларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, уларнинг ҳам, буларнинг ҳам ижобий фикрларини олайлик. Мухолифликнинг кераги йўқ. Келинглар, ҳамманинг тенг ҳуқуқларини тан олиб мулоқот қилайлик, муҳокама қилайлик. Литва халқининг илдизлари шу диёрда эканини, бу диёр унинг ери эканини тан олиб иш тутайлик. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. (Қарсаклар). Агар литваликлар ўзларини камситилган, тенг ҳуқуқсиз, хўрланган, деб ҳис қилсалар ҳаммага ёмон бўлади. Агар бошқа ҳаммага ёмон бўлса, литваликларга ҳам ёмон бўлади. Сизларни ишонтириб айтаман — худди шундай бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ совуқчилик борлиғини кўриб турибман. Агар «совуқ уруш» бошланса ва сўнгра орага нифоқ тушиб, мухолифлик бўлса, бундан ҳеч бир яхшилик чиқмайди. Бизни қаноатлантирмаётган турмушни яхшилаш, амсо биргаликда яхшилаш керак.

Ўртага қўйилаётган ҳамма саволлар ва шиорларга асосан жавоб қайтардим, деб ўйлайман. Масаланинг калити мана шунда. Қолган ҳамма нарсалар — жузъийдир. Хўш, аниқ-равшан қандай бўлади, деб сўрашингиз мумкин. Ўзим ҳам кўп нарсани билмайман. Сизлар билан биргаликда ўйлаймиз. Йўлни эса айтиб ўтдим. (Қарсаклар).

Болтиқбўйи республикаларининг раҳбарлари билан бўлган ва мен юқорида сизларга айтиб ўтган суҳбатнинг учинчи банди шундай бўлди: демократиялаш ва маҳаллийлаштириш шароитида бақувват, тўла қонли федерация, суверен республикалар ва қудратли бирлаштирувчи сиёсий куч бўлмиш ягона КПСС бўлиши керак, чунки ҳар қандай организмда ҳам мана шундай мувозанатлаштирувчи аъзолар бўлади. Акс ҳолда организм емирилиши муқаррар. КПССнинг бирлаштирувчилик кучи жуда катта. Аммо бу ҳақда мен кейинроқ республика партия фаоллари билан учрашувда гапирмоқчиман. Ҳозир эса мен айтган гапларимнинг ўзи билан чекланмоқчиман.

Эътиборингиз учун ташаккур. Сизлар ҳақиқатан ҳам эътибор билан тинглаганингизни кўриб турибман. (Қарсаклар).

* * *

Учрашувда инженер-конструктор В. Симоненко, бош технолог бўлими конструкторлик бюросининг бошлиғи В. Дервоед, цех бошлиғининг ўринбосари Г. Путялис, инженер Д. Кведаравичене, асбобсоз И. Баранцевич, инженер В. Григулевич, инженер С. Красовский, инженер А. Адомавичус ва бошқалар сўз олдилар. Жуда хилма-хил фикрлар айтилди: баъзилар ягона ССР Иттифоқи тарафдори бўлса, бошқалар Литвани Иттифоқдан ажратиб олиш тарафдори эканини билдирдилар. ЛКП XX съезднинг қарорларини баҳолашда ҳам мулоҳазалар маҳ шундай хилма-хил бўлди. Шу билан бирга нотиқлар мамлакатдаги ва республикадаги қайта қуришни жадаллаштириш, халқ фаровонлиги даражасини ошириш муаммоларини ҳам жонкуярлик билан батафсил таърифлаб бердилар.

М. С. Горбачев мунозарани якунлаб бундай деди:

Бу учрашувда мен эшитган гаплар олинган ахборот асосида мен ҳосил қилган тасаввурга мос келади. Мана шуларга асосланиб қуйидагиларни айта оламан: жамиятимиз олдида, халқларимиз олдида вужудга келган барча муаммоларни идрок этишдан иборат амалий жараён давом этмоқда. Ҳозир биз жамиятнинг ҳамма сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тузилишларини янгилаш жараёнига енг шимариб киришдик. Такрор бўлса ҳам шуни айтмоқчиман: қайта қуриш сиёсати натижасида биз шундай жараёнларни бошладикки, бу жараёнлар жамиятимизни ўзгартириши керак. Турмушнинг шундай янги шаклларига асос соляпмизки, улар жамиятимизнинг 10, 20 ва 50 ҳамда 100 йиллик қиёфасини белгилаб беради. Хуллас, бу — жуда масъулиятли, кескин бурилиш. Бу ишни масъулият билан қилиш керак. Акс ҳолда оғир хатоларга дуч келамизки, улар халққа қимматга тушади. Бу—биринчиси.

Бугун, мана шу учрашувда ҳам ҳар ҳолда эҳтиролар устун экан, баёнотлар, декларациялар берилаётган экан, бу нарса биздаги идрок қилиш жараёни ҳали илк босқичда эканидан дарак беради. Бинобарин, ҳали эҳтиролар кучли бўлган, таҳлил, масъулият, у ёки бу йўл қаерга олиб боришини тушуниш ҳали кам бўлган бир пайтда мана шу дастлабки қизғин мунозаралар асосида хулосалар чиқаришга ҳали эрта, деб ўйлайман. Биз қайта қуриш йўлида, мулоқот доирасида Иттифоқда ҳам, республикаларда ҳам, КПССда ҳам, умуман жамиятда ҳам идрок этиш босқичидан ўтишимиз керак. Ҳатто энг яхши ниятлар билан бўлса ҳам бизни чалғитмоқчи бўлаётганлар ёмон хизмат қилишлари мумкин. Бу ўринда мен таҳминан: келинглар, Горбачевнинг йўлини қўллаб-қувватлаймиз-у аммо ўз айтганимиздан қолмаймиз, деб айтаётганларни назарда тутаётганим йўқ. Яқинда бу ерда, Вильнюсда мана шундай фикрлар айтилди. Одамлар билиб олишлари керак. Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, меҳнаткашлар, ветеранлар, ёшлар ҳали ҳамма нарсани ҳам билиб олган эмаслар. Ҳали улар ҳамма нарсани билиб олмасларидан бурун улардан фойдаланмоқчи бўлмоқдалар — уларнинг эҳтиросидан, ўз диёрига табиий ихлосидан, ўз халқи, тили, маданиятининг тақдири учун безговталиги ва ташвишидан фойдаланиб қолмоқчи бўлмоқдалар. Халойиқ олдида бир гапни айтиб, амалда бошқа ишни қилаётганларни ҳам халқ билиб олиши керак: бундай кишиларга у ўз тақдирини топшира оладими?

Одамлар ҳамма нарсани суриштириб билиб олишлари лозим. Шу муносабат билан ҳали катта йўл босиб ўтилиши керак. Бу ердаги баъзи бировлар ўз сўзларини: Литва қайта қуришда Совет Иттифоқидан олдинда боряпти, деган сўзлар билан бошладилар. Мен бу сийқа гапни Олий Советда ҳам, баъзи халқ депутатлари билан суҳбатларда ҳам эштитяпман. Шундай дейиш расм бўлиб қолди. Бунда ўзига ортиқ даражада бино қўйиш кўплигини айтишим керак. Далиллисботлар ва нуқтаи назарларнинг тўқнашувида, турли вазиятларда ҳали кўп нарса пухта ўйлаб кўрилмаганлиги маълум бўлиб қолмоқда. Кундалик турмуш икир-чикирлари ҳақида гап борганда, бунга йўл қўйса бўлади. Аммо қаёққа бориш, ким билан бориш, нима қилиш, ким билан ҳамкорлик қилиш ҳақида гап борганида ҳамма нарсани юлиб ташлаб, ҳаммасини аввалдан бошлаш керакми ёки орттирилган нафли нарсалардан фойдаланиб, уларни яхшилаш ва умумий ҳамкорлик маданиятимиз имкон берадиган янгиликларни қўшиш керакми, деган масала қўйилган пайтда буларнинг ҳаммасини обдон суриштириб билиб олмоқ керак бўлади.

Ҳа, бутун жамиятимиз каби Литва жамияти ҳам ҳали идрок этиш ҳолатида эканини билиб турибман. Шу сабабли бу ердаги қарор ташвиш ва безовталик билан кутиб олинди — аммо баъзи ўртоқлар, эҳтимол, Марказий Комитет ўзининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида гўё ҳеч нарса бўлмагандек иш тутган бўлишини хоҳлаяптилар: кўпроқ эътиборни жалб этиш, масалани ўткирлаштириш учун қилинаётган ҳаракат мутлақо тўғри. Аммо: сафарлар ҳам, Сиёсий бюро аъзоларининг, Марказий Комитет ходимларининг суҳбатлари ҳам, Сиёсий бюронинг мажлислари ҳам, депутатлар билан учрашувлар ҳам — кейинги бир ярим-икки йил ичидаги ишларнинг ҳаммаси яхши маълум. Съезд арафасида,

МУШТАРАК МУАММОЛАРИМИЗНИ БИРГАЛИКДА ҲАЛ ЭТАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

ҳам, қолаверса, Олий Совет ҳам бу жиҳатдан қатъий позицияда туриши керак. Одамларнинг бирон-бир группасигагина хизмат қиладиган матбуот бўлиши мумкин эмас. **(Қарсаклар).**

Иккинчиси. Пойлоқчиликлар, митинглар, имзо тўплаш ва шу кабилар хусусида. Бу борада қонунларимиз бор. Бу қонунлардан ҳар бир киши фойдаланишга ҳақли. Бу қонунлардан у ёки бу жамоат ташкилотлари, жамоат ҳаракатлари, меҳнат коллективлари ўз позициясини билдириш зарурати туғилган тақдирда фойдаланишга ҳақлидир. Хуллас, бу соҳада қонун доирасида қилинаётган ҳамма ишлар тушунуб кутиб олиниши лозим, деб ўйлайман. Қонунга хилоф равишда, бунга зид тарзда қилинаётган ишлар қораланиши керак. Акс ҳолда ҳеч қандай ҳуқуқий жамият, ҳеч қандай тартиб, ҳеч қандай демократия ва озодлик тўйғуси бўлмайди.

Сўнгра. Москва «Саюдис»га қандай назар билан қарайди? Мен ўз докладимда бу масалага тўхталиб ўтдим. «Саюдис» вакилларининг ўзлари менга айтишларича, бу «Ҳаракат» деган маънони билдирар экан. Мана, башарти, у жамоат ҳаракати деб тушуниладиган бўлса, у жуда кенг ҳаракат, унда кўпгина нуқтаи назарлар ва позициялар мавжуд. Жумладан, «Саюдис» раҳбариятининг ўзида униси ҳам, буниси ҳам бор. Менинг назаримда, «Саюдис»даги ҳамма соғлом, қайта қуриш сиёсатига қўшиладиган, ҳамкорлик қилишга ва қайта қуриш жараёнларига ҳисса қўшишга тайёр бўлган ҳамма кучларни қўллаб-қувватласа арзийди. Менимча, Компартия, партия ташкилотлари ҳам бу ўринда ҳамкорлик қилишлари, мулоқотда бўлишлари ва барча тараққийпарвар, илғор кучларни шу ҳамкорлик ва мулоқотда жипслаштиришлари лозим ва шундай қилишга мажбурдирлар. «Саюдис»даги айирмачи, қуюқщондан чиқувчи, ирғоғарлик қилувчи унсурларни эса, аксинча қатъиян қоралаш лозим. Бу ўринда асло тортинчоқлик қилмаслик, шу масалалар хусусидаги нуқтаи назарни ҳаммага маълум қилиш керак.

«Аҳолининг аксарияти поляклардан иборат бўлган Вильнюс ва Шальчининкай районлари бирлашиб, поляк автоном областини ташкил этсалар, шахсан сиз бунга қандай қарайсиз?» Ўртоқлар, биз у ёки бу миллат кишилари тўп бўлиб яшайдиган жойларнинг мавжудлиги ҳам ижтимоий, ҳам миллий сиёсатни ўтказишда ҳисобга олиниши керак, деб ҳисоблаймиз. Қандай шаклда ҳисобга олинишини ҳар бир республикадаги конкрет вазиятга қараб белгилаш лозим. Поляк аҳолиси тенг ҳуқуқли мавқега ва турмушнинг ҳамма соҳаларида иштирок этишга умид қилишга ҳақли, деб ўйлайман. Қандай шаклларда? Автономия, давлат, маданият, область шаклида, Олий Совет ишининг воситалари орқали, сайлов ва шу кабилар орқалими? Бу масалани шу ернинг ўзида биргаликда ҳал қилиш керак. Шундай ҳал қилиш керакки, одамларнинг ажралишига ва бир-бирига қарама-қарши қўйилишига олиб бормай, балки жамият жипслаштириладиган бўлсин. Шу сабабли мен бу соҳада бошланган изланишларни табриклайман. Назаримда, дастлабки қадамлар қўйилди — бу гап маданий соҳага: адабиёт, тил, урф-одатлар ва шу каби соҳаларга тааллуқлидир. Турмуш талаб қилаётган ҳамма соҳаларни қадам-баҳадам ўрганиш ва биргаликда ечимини топиш лозим.

Залдан «Литванинг келажаги — суверен давлат...» деган сўзлар ёзилган хат узатилади. Кимлардир ҳатто, табиийки, янгиланаётган эски Конституциямизнинг конституцион қоидасига қарши курашмоқда. Биз янги Конституцияни ишлаб чиқиш жараёнига киришдик. Ушбу Конституцияда ҳар бир иттифоқдош республика — суверен давлат бўлиши кўзда тутилади ва у ўзининг ҳуқуқларини мустақил тасарруф этади ҳамда ана шу ҳуқуқларнинг бир қисмидан барча федерацияларда бўлгани сингари интеллектуал, иқтисодий, техникавий, илмий, маданий қуч-ғайратларни бирлаштириш учун марказдан фойдаланади. Биргаликда ҳамкорлик қилиб, бирмунча дадил олға томон ҳаракат қилиш учун ана шу кучларни бирлаштиради. Демак, суверен бўлиш ва мустақиллик биз кўзда тутаётган ва ҳозирнинг ўзидаёқ олға томон реал қадамлар қўйган чинакам федерацияга зид келмайди. Йил давомида анчагина ана шундай қадамлар қўйилади — биз ғоят илгарилаб борамиз. Федерация олдида, ана шу федерациянинг таркибий аъзолари олдида кўндаланг қилиб қўйилган яни эҳтиёжларга жавобларни биз ҳамкорликда қидириб топишимиз керак. Шу жиҳатдан қараганда, Литвада рўй бераётган ҳамма воқеалар ҳам изланиш бўлиб, биз уларни бир хилда салбий, структурага зид бўлган ҳаракатлар деб ҳисобламаймиз. Худди шундай. Умуман бу ерда юзага келаётган барча нарсалар қайта қуриш руҳида бормоқда. Бу улкан давлатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, турмушда реал бўлиб турган, жумладан, федерациямиз соҳасига ҳам тааллуқли бўлган саволларга бирмунча тўғри умумий жавобларни топишга ёрдам беради. Аммо шундай жиҳатлар ҳам борки, биз уларга қўшилмаймиз. Баъзи жиҳатлар хусусида бошқа республикаларда хавотирлик билдирилмоқда. Литвада ҳам нима учун бундай хавотирлик билдирилаётганлигини билишлари ва бу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим. Бу борада сизлар ҳаддан ташқари ўзингизга ишонишингиз — ҳақиқат мутлақ биз томонда деб ҳисоблашингиз тўғри эмас. Ҳеч ким мутлақ ҳақ бўла олмайди. Ҳақиқатни биз биргаликда излашимиз зарур ва биргаликда аниқлаймиз. **(Қарсаклар).**

Бу ерда мен илгари жавоб қайтарган саволлар ҳам бор. Масалан, Иттифоқда баъзи жараёнларни бошқариш бузилаётганлиги ўртоқларни ташвишлантирмоқда. Иқтисодиётимиз мустаҳкам даражада ўзаро боғланган ва ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун ижтимоий масалалар, одамларнинг, меҳнат коллективларининг ўзларини ҳис этиши ҳам ўзаро боғлиқдир. Одамлар ҳақконий ташвишланмоқдалар. Биз буни ҳис этиб турибмиз, ўртоқлар. Аҳволни қисман эски усуллардан воз кечиб, янгиларини жорий этишга улгурмаётганлигимиз билан изоҳлаш мумкин — бу марказнинг ҳам, жойларнинг ҳам вазифаси деб ҳисоблайман. Улар янгича ёндашувларни тезроқ қидириб топишлари керак. Умуман эса корхоналар даражасида ҳам, республикалар даражасида ҳам иқтисодий мустақилликнинг ўзи ташаббускорлик билан ишлашни, изланишни тақозо этади. Демак, илгари ишлаб чиқилган ёндашувларни ҳам қўллаб-қувватлаш ва янги алоқаларни йўлга қўйиш, бутун механизмни созлаш лозим. Аммо ҳозирча буларнинг ҳаммаси йўлга қўйилган эмас ва ўртоқлар оддий фикрни: янгиликдан фойдаланиш билан бир қаторда иқтисодиётга путур етказмаслик учун эски усуллардан ҳам фойдаланиш кераклиги тўғрисидаги фикрни айтишни истамоқдалар. Шундай қилинмаса, бу бутун турмушимизни янада чигаллаштириб, жиддий ижтимоий ва сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Эҳтимол, биз ҳамма нарсани олий ҳокимият даражасида бирданига тўғри ҳал қилмагандирмиз. Ҳозирги вақтда ҳаққоний тарзда ўртага қўйилаётган масалалар борлигини кўриб турибмиз. Иккинчи томондан, биз мана шу ўтиш босқичида бошқарувни қўлдан бой бермаслигимиз керак. Бунинг учун мақсадга кам талафотлар билан ва тезроқ ҳаракат қилиш имконини берадиган усуллар билан эришиш лозим.

СССРдан ажралиб чиқиш механизми тўғрисида гапирадиган бўлсак, ҳар бир республика ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга, деган модда бор. Ўртоқлар илгари бундай муаммо умуман юзага келмаганлиги, ҳозир эса шундай муаммо пайдо бўлаётган экан ва у Конституцияга, бутун конституцион тузумимизга, Бутуниттифоқ манфаатларига дахлдор экан, ажралиб чиқиш механизми ҳам зарур, деган масалани тўғри ўртага қўймоқдалар. Литвада тарқалган фикрларга қараганда, кимлардир буларнинг ҳаммаси жуда оддий: эртага биз сайлов ўтказамиз, сессияга тўпланамиз ва биз СССРдан чиқдик деймиз, деб ўйлайдиган бўлса, хато қилади. Йўқ, буларнинг ҳаммаси шунчаки осон эмас. Конституцион тузум бор, бу — Иттифоқ давлатининг Конституцияси ва унда ана шу давлат иттифоқдош республикалар, автоном республикалар, областлар, миллий округлар ва шу сингариларни ўз ичига олиши ва улардан иборат эканлиги ёзиб қўйилган. Бунинг устига, республикаларнинг ўзида ҳам шундай жиҳатлар мавжуд. Мана шуларнинг ҳаммаси конституцион тузумдир. Агар кимдир Совет Иттифоқи таркибидан чиқиш тўғрисидаги хулосага узил-кесил келган бўлса, етти марта эмас, балки минг марта ҳамма нарсани ўйлаб ва тарозига солиб, конституцион асосда Иттифоққа, барча халқларга мурожаат қилиши, шундай моддадан фойдаланмоқчи эканлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйиши зарур. Шундан кейин Иттифоқ, Олий Совет, халқ депутатлари съезди буни муҳокама қилади — Конституцияга тааллуқли барча жиҳатлар Иттифоқ ихтиёридадир. Давлат ҳокимиятининг бутун кучи конституцион тузумни ҳимоя қилади ва қўриқлайди. Бу жараён фавқулодда жиддий жараён бўлиб, бунда Иттифоқдан чиқиш тўғрисидаги моддани амалга оширишнинг ишончли дастури бўлиши зарур.

Демографик ёки бошқа жараёнлар таъсирида бошқа жойларга бориб қолган кишилар бор. Қаердадир Иттифоқдан чиқиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилса, улар ҳам биз нима қилишимиз керак, деб сўрашлари мумкин, агар улар Иттифоқдан чиқиш тўғрисидаги истакка қўшилмасалар-чи? Ана шу кишиларнинг тақдири қандай бўлади, Иттифоқдан «чиқадиган» республика ана шу конкрет кишиларга иш жойлари, агар улар республикада ўз уй-жойларини қолдириб кетадиган бўлса, уй-жойлар барпо этиш учун маблағ ажратиши керакми, деган саволга жавобни ҳам ўз ичига оладиган дастур бўлиши зарур. Иттифоқдан чиқиш муддатлари ва ана шу жараённинг ўзи тўғрисидаги масала ҳам мана шундан келиб чиқади. Буни қанча муддатда ҳал этиш мумкин? Мен бунда фақат бир масала тўғрисида гапирапман. Мудофаа, коммуникация, алоқа, иқтисодиёт ва шу сингари бошқа масалалар ҳам бор-ку, ахир. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқилиши керак. Мана шу конституцион ҳуқуқни рўёбга чиқариш механизми тўғрисидаги шундай Қонун лойиҳаси яқин орада дастлабки муҳокама учун Олий Совет комитетларига тақдим этилади. Бутун халқ Қонуннинг ана шу лойиҳасини муҳокама қилади. Ўйлайманки, биз ҳаммамиз биргаликда уни ишлаб чиқамиз. Фақат шундай қилиш керак! Агар кимда-ким буларнинг ҳаммаси жўн нарса деб ўйласа, бу болаларча фикрлаш бўлади.

Яна бир хатда шундай дейилган: «КПСС Марказий Комитети ва Сиёсий бюро ўзини ҳеч нарса бўлмагандек қилиб кўрсатмоқда...». Йўқ, бундай эмас, КПСС Марказий Комитети ўзини ҳеч нарса бўлмагандек қилиб кўрсатаётгани йўқ. Аминманки, агар бу ҳақиқатдан ҳам фундаментал негизларни инқилобий ўзгартириш бўлса — бусиз қайта қуриш бўлмайди ва биз ўзгармаймиз, социализм ва барча халқларимиз уйғонишининг кенг йўлига чиқа олмаймиз, — у ҳолда ҳамма нарса осон кечмаслигини айтишим лозим. Агар Марказий Комитет ҳар қандай одатдан ташқари қўйилган қадамдан кейин, ҳар қандай янгиликдан кейин шу заҳотиёқ кимларнингдир бошига уриб ёки ёқасидан олса, ўшанда ўзини ҳеч нарсани кўрмаганга солмай, «ҳаракат қилган» бўлур эди, деб ҳисоблашса, биз Россияда айтишимизча, буни иш, воқелик деб аташ мумкин бўлса, биз узоққа бора олмаслигимиз аниқдир. Биз ҳар ҳолда бошқача усулларга: сиёсий, демократик, ошкоралик, маданий усулларга амал қиламиз. Бу бугунги кунда қонун амал қилмаяпти, интизом йўқ, масъулият йўқ, деган маънони билдирадими? Йўқ, бундай маъноні билдирмайди, Демократия интизом, онгли интизом билан мустаҳкамланмаса, тартиб йўлга қўйилмаса, у ривожлана олмайди, бунинг устига тўхтаб қолади. Бу борада, эҳтимол, дастлабки қайта қуриш босқичининг заиф жиҳатлари бор, деган фикрга қўшиламан. Эски механизмлар олиб ташланди, янгилари эса чинакамига жорий этилмади. Бунда марказ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Бундай ўзгаришлар киритилиши лозим, деб ўйлайман. Демократия шароитида қонунларни рўёбга чиқариш, тартибни сақлаш, комплексни бошқариш тезроқ йўлга қўйилиши, турмушдаги жараёнлар билан баб-баравар боришга улгуриш даркор. Сизларнинг танқидий фикрларингизни шундай тушундимки, биз, афтидан, маълум даражада улгурмаяпмиз ва бу талафотларга сабаб бўлмоқда... Буни кўра билиш, бутун ҳақиқатни кўра билиш ва оғирликни у ёқдан бу оёққа солмай, ҳаракат қилиш зарур. Кимдир Литва диёри тўғрисида гапириб, оғирликни у ёқдан бу оёққа солиб оёқлар шишиб кетди, деган гапни айтди. Ўйлайманки, бундай мажозий ўхшатишда катта мазмун бор. Халқ депутатлари иккинчи Съездидаги музокараларда ҳам ана шундай фикр айтилди. Ҳақиқатдан ҳам ҳозир биз ижобий жараёнларни жадаллаштиришимиз керак. Бундан уч ёки тўрт ой илгари қайта қуришни жадаллаштириб бўлармиди? Мен бу шошмашошарлик бўлади, деб фикр билдирганлардан бириман. Нима учун? Чунки бунда биз ҳали кўп нарсаларни пухта ўйлаб олмаган эдик. Мулк тўғрисидаги масалани, ер тўғрисидаги, солиқ системаси ҳақидаги масалани пухта ўйлаб олмаган эдик. Биз ҳозир ҳам замонавий тажриба билан бойиган корхона тўғрисидаги янги Қонунга эга эмасмиз. Биз ҳозир ҳам ҳокимиятни Советларга топширамиз, деб гапираяпмиз. Аммо Советларнинг мавқеи тўғрисидаги Қонун ҳозирча йўқ. Ўша пайтда эса янада мушкул эди. Кўпгина ишлар эндигина бошланган эди. Ўшанда қайта қуришни жадаллаштириш тўғрисидаги шиорни ўртага қўйиш ғоят қалтис иш бўлур эди. Мана, ҳозир биз ўтиш даврини қисқартириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйишимиз мумкин ва зарур. Бу даврда қийинчиликларга дуч келишимиз ва йўқотишлар рўй бериши мумкин. Биз марказнинг фаолиятини жадаллаштиришимиз, жойлардаги ишни жадаллаштиришимиз ва қайта қуришни тезроқ олға силжитишимиз, орқага эмас, балки ўзгаришларни жадаллаштириб, қайта қуриш йўлидан дадил олға боришимиз даркор. Мана шу ошкора мулоқот учун мен сизлардан ғоят миннатдорман. Бундай мулоқот бизни бойитади, деб ўйлайман.

ХАТТИ-ҲАРАКАТДА СХЕМАЛАРГА ЭМАС, БАЛКИ РЕАЛЛИКЛАРГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

11 январь куни кечқурун Вильнюсдаги матбуот уйида М. С. Горбачевнинг республика ижодкор ва илмий зиёлилари вакиллари билан учрашуви бўлди. Учрашувни Литва ССР Фанлар академиясининг президенти Ю. Пожела очди. Сўнгра «Неринга» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Матулявичюс, республика Фанлар академиясининг вице-президенти А. Жукаускас, Шальчининкий район партия комитетининг секретари Ч. Висоцкий, профессор Р. Григас, ёзувчи В. Ясукайтите, Литва Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг раиси В. Мартинкус, Литвадаги рус маданият марказининг вакили Н. Касаткина, Вильнюсдаги қурилиш-пардозлаш машиналари заводининг ишчиси М. Владимиров, Вильнюс университетининг проректори Р. Повиленис, Вильнюс шаҳар партия комитетининг секретари А. Чистяков, республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси Ю. Некрошес ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар Литвадаги сиёсий-иқтисодий, социал, маънавий соҳалардаги ҳозирги вазиятнинг энг ўткир масалалари юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Афсуски, фикр мулоҳазалар ҳозирги пайтда ғоят зарур бўлган таҳлил руҳида, холис бўлмай, балки кўпроқ ҳиссиётга берилиш тарзида эди.

Учрашувда М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

* * *

Мен бу ерда тинглаган фикрларнинг кўпига қўшиламан, деди М. С. Горбачев. Бу ерда айтилган фикрларда ташвиш ва хавотирлик баён этилди, аммо муҳокама камроқ бўлди. Мен бу ерда аниқ, шаклланган кўпчиликни кўриб турибман ва шунинг учун фикрлар хилма-хиллиги ўзига қийинчилик билан йўл топмоқда, агар йўл топса ҳам бошқача фикр айтган кишига қисқа қил, ҳамма нарса бизга равшан, дейилмоқда. Мана шу «ҳамма нарса бизга равшан» деган фикр мени ўйлантирмоқда. Мен сизларга бир нарсани рўйрост айтмоқчиман. Менда шундай таассурот ҳосил бўлдики, кимдир реалликларни назар-писанд қилмай, профессорона схемани турмушга, бутун халққа тиқиштиришни истаяпти. Маълумки, реалликларсиз илмфан ҳам, сабаб ва оқибат алоқалари ҳам бўлмайди. Устун жиҳатларни унчалик тушуниб етмаслик ҳам кишини ташвишлантиради. Бундай устун жиҳатлар ҳисобга олинмаса, ўтмишда ҳам, ҳозирги пайтда ҳам, келгусида ҳам умуман ҳеч нарсага ҳақиқий баҳо бериб бўлмайди. Биз Сталин даврида ана шундай схемаларни, айниқса, яхши ҳис этдик. Бундай схемалар ихтиро қилиниб, жамиятга тиқиштирилди, шу тариқа душман қиёфаси ва тоталитаризмнинг бошқа жиҳатлари яққол намоён бўлди, жамият зарур схемага йўналтирилди. Бунга муваффақ бўлинмаган жойларда одамларнинг боши кетди. Энг муҳими — схемага эга бўлинди.

Бу ерда, профессорлар даврасида ҳам айни шундай схема шакллантирилиб, одамларнинг муқаддас туйғулари рўкач қилинган, деб қўрқаман. Сизлар хафа бўлманг, биз юракдан гаплашяпмиз. Мен сизлар билан ошкора фикрлашаман ва менинг нуқтаи назаримни тушунишингизни истайман. Ана шу профессорона схема кўпдан-кўп табиий туйғуларни: одамларнинг миллий туйғусини, Ватан, юрт туйғусини, биз учун азиз бўлган она ва диёр туйғусини ишга солмоқда. Бу ерда одамлар асрлар бўйи яшаб келди. Уларнинг қариндош-уруғлари, аждодларининг қабрлари шу ерда. Бундан кўз юмиб бўлмайди, буни назарда тутиш лозим.

Аммо бундай муқаддас туйғулар билан ўйнашиб бўлмайди. Ҳамиша муайян тарих, давр, унинг ҳаракати нуқтаи назаридан ёндашиб, ўтмишга баҳо бериш керак. Бугунги кунда ҳам айни шу тарзда ишончли, илмий асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш мумкин. Ҳозирги реалликлар ҳисобга олингандагина, шундай сиёсатни ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Агар бу сиёсат шунчаки одамларнинг табиий истагини рўкач қилиб, ўз схемасини ана шу истакка асослашни, турмушни ана шу схемага тиқиштиришни истаса, ўйлайманки, бу навбатдаги офат бўлади. Ҳа, навбатдаги офат!

Мен бу ҳақда эндигина фикрлаяпман ва сизлар жиғибийрон бўлмай, фикримни охиригача эшитинг. Фикрлаш керак, митинглар тугади, ҳиссиётга ёзувчилар ва актёрлар берилишсин. Улар учун ҳиссиёт айниқса жоиз. Аммо ғап мамлакатнинг, халқнинг тақдири тўғрисида, барча узвий алоқалар тўғрисида борар экан, реалликларни тўла-тўкис кўра билиш зарур. Мана шунда метафизикага ўрин қолмайди. Метафизикада энг дақшатлиси — схемаларнинг. Биз схемаларни колхозларга, дуч келган соҳага тиқиштирдик, сизлар буларнинг ҳаммасини биласиз — бу ердагилар учун буни тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Менинг маслагим шуки, мамлакат энди аввалгидек яшай олмайди. У янгиланиши керак. Унинг ҳамма таркибий қисмлар ва тузилишлари янгиланиши лозим. Бунинг маъноси шуки, базис ҳам, устқурма ҳам — маънавий дунё, федерация, армия — ҳаммаси янгиланиши керак. Буни сизлар тез орада партиямизнинг дастурий ҳужжатида кўрасизлар. Бу ҳужжат ҳозир жуда зарур. Нега? Биз эски ёндашувларда, бузилган тузилмаларда, сталинча тоталитар давлат концепциясида, бутун танани қисиб, унга кислород ҳам бермаган, ҳаракат қилишга ҳам йўл қўймаган системада ҳеч нарсани ҳал қила олмаймиз. Шу сабабли, Гегелнинг «Тарихдан ўрганиш керак», деган ҳикматли сўзларига қарамай, саволнинг жавобини орқага қайрилиб эмас, балки келажакка қараб, янгиланиш йўлига чиқишдан изламоқ керак.

Янги жамият, Ленин ўйлаганидек, — халқнинг жонли ижоди. меҳнаткашлар тузуми эканлиги маълум. У демократиясиз туғила олмайди ва яшай олмайди ҳам. Демократия бўлмаса, бу тузум ё бузилади, ё ҳалок бўла бошлайди. Буни сиз билан биз бошдан ўтказдик. Шу сабабли социализмнинг ленинча концепциясини қайта тиклаш бутун жамиятга ва турмушнинг ҳамма соҳаларига сингиб кетган демократиялаш, ошкоралик билан боғлиқдир.Бу жамиятнинг мақсади ҳам ҳамма нарсани ошкор этиб, инсонга хизмат қилдиришдан иборат. Бизнинг қайта қуриш концепциямизга айни шу фикр асос қилиб олинган. Бинобарин, такрор айтаман, бу жараёнда қатнашувчи кишиларнинг ўзлари фаол ва бевосита иштирокида асос солинган. Шахсан мен учун бу ҳам сиёсатдир, ҳам коммунист сифатида йўлни жиддий танлаб олиш бўлди. Ҳозир мени бундан ажратиб бўлмайди.

Ҳозир биз жуда катта кучларни уйғотиб, фаолликка тортдик. Уларга албатта амалий йўналишни белгилаб бериш керак. Биз шу ҳақда доимо ғамхўрлик қилишимиз лозим. Зотан, табиийки, биз федерация билан, халқларнинг аҳволи, тақдири билан шуғулланмасак, кўп миллатли давлатимизда ҳеч нарса қила олмайдиган бир даврга етиб келдик. Шу боисдан ҳам биз бу бетакрор ҳолатни: кўп миллатли, жуда катта давлатни, юзлаб халқлар, маданиятлар, тилларни ва улардан кўплари тушиб қолган оғир аҳволни идрок этишимиз лозим.

Шуларнинг ҳаммаси турмушдан келиб чиқди ва бизнинг сиёсатимизда ўз аксини топди. Шу сабабли биз узоқ вақт ишлаб топган концепция КПСС Марказий Комитетининг миллий масалага оид ҳаракат дастурида ифодалаб берилди. Бу ҳужжат ҳаммангизни ҳам шодлантирмаганини биламан. Чунки бу Литва диёридаги барча мунозараларнинг марказий нуқтаси бўлиб, Литва Компартиясининг ХХ съезди билан бевосита боғланган. Шу ҳақда, афтидан, батафсилроқ тўхталиб ўтмоқ керак. Дарҳол шуни айтиб қўяй, эски Конституциянинг, барча конституцияларимизнинг иттифоқдош республикаларимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги қоидаси мен учун принципиал муҳимдир. Сизлар айтган гапларнинг маъзини чаққанимда, назаримда сизлар бирон бир тарзда шамол тегирмонлар билан жанг қилаётгандек туюласиз. Ҳозир биз кўп гапираётган ва сизлар каби менга ҳам мақбул бўлмаган ўтмиш билан жанг қиляпсизлар. Партия ҳам, халқ ҳам биз шу ўтмишдан воз кечяпмиз, у билан алоқани узяяпмиз. Тўғри, баъзи бировлар умуман ундан ажралишни хоҳламайди.

Бироқ ҳар ҳолда мамлакат ўз йўлини танлади: мана шу ўтмишдан жўшқин ривожланишнинг, халқни, мамлакатни қайта тиклашнинг кенг йўлига чиқиб олиш пайти келди. Мана, сизлар ҳам ўз далил-исботларингизда доимо ўтмишга мурожаат қиляпсизлар. Биз ўтмишни баҳоладик, ўз олдимиздаги йўлларни қуриб оляпмиз, сизлар эса ҳамон ўша ўтмиш билан жанг қиляпсизлар. Бироқ энг хатарлиси шуки, баъзи кимсалар энди қайта қуриш билан ҳам жанг қила бошлади. Мана шу кимсалар турмуш ўртага қўйган шу жумладан миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳам ўртага қўйган саволларга қайта қуриш жавоблар бера олмайди, деган хулосани чиқармоқчи бўлиб турибди. Шу муносабат билан янги-янги далил-исботлар ишга солинмоқда. Литвада яшаб турган кўп кишиларда шу «далил-исботлар»дан қандай қаяжонлар, ғам-аламлар ва келажакка ишончсизлик туғилганини айтмайсизми. **(Залда шовқин).** Тинчланинг, тинчланинг ... бу далил-исботлар асослаб берилгани йўқ, лекин булар бор — бу ҳам реалликдир. Ҳолбуки, бошқа йўл ҳам бор. Менинг шунга ишончим комилки, сиёсий суверенитетга, иқтисодий мустақилликка, маданий тараққиётга, барча анъаналарни сақлаб қолишга олиб борадиган йўл фақат битта, у ҳам бўлса, федерацияга бирлашган суверен давлатларнинг Конституцияси орқали ўтади. Хўш, сизлар федерация нималигини биласизларми?

Залда овозлар: Биламиз, биламиз.

М. С. Горбачев: Қаердан биласизлар. Ахир биз унда ҳали яшаб кўрганимиз йўқку. Литваликлар — вазмин халқ эканини биламиз. Аммо мен ўз далилларимни тинглашни илтимос қилганимда, буларнинг ҳаммаси, шу жумладан фикрлар хилма-хиллиги ҳам тезлик билан қаёққа ғойиб бўлиб қолади! КПСС Марказий Комитетидан, Россиядан, турли республикалардан, Москва ёки бошқа шаҳарлардан вакил бўлиб бу ерга келган ўртоқлар билан суҳбатлардаги бундай ҳавотирлик ҳам қаердан келиб чиқмоқда? Ҳолбуки, буларнинг ҳаммалари сиз ўйлаётган нарсаларни ўйлаётган, қандай қилиб олға боришимиз, олға, аммо биргаликда боришимиз ҳақида ўйлаётган астойдил серташвиш одамларку, ахир.

Узлатга чекиниш — жозибадор бўлиб туюлаётган орзудир. Биз то ажралиб чиққунга қадар ўз тақдирини ўзи белгилаш тарафдоримиз. Шу муносабат билан ҳар қандай республиканинг мана шу ҳуқуқини амалга ошириш воситаси тўғрисида Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Шундай лойиҳа ҳозир бор ва у умуминтифоқ муҳокамасига ва халқ овозига қўйилади. Бу нарса барча халқларга тааллуқли бўлади.

Агар бирон-бир киши мана эрта-индин сайлов бўлади, тўпланиб овоз берасизлар ва дарҳол Совет Иттифоқидан чиқасизлар, деб жуда жўн тарзда тасаввур қилаётган бўлса, буни сиёсат деб бўлмайди: Бу — енгил-елпи бир нарсадир. Чунки бундай ҳолатда ҳамма республикалар билан, давлат билан масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Башарти, ажралиб чиқадиган бўлсангиз, бу ердан жўнаб кетишни хоҳлайдиган кишиларнинг аҳволи нима бўлади? Айтайлик, улар бу ерда қолдириб кетадиган уй-жойларнинг ҳақини ким тўлайди, янги иш жойларини ким ташкил этади? Бу — жуда чуқур, оғриқли, жиддий жараёндир. Конституцион ҳуқуқ бор, аммо буни амалга ошириш воситаси ишлаб чиқилмаган. Агар биз бу масалани, ҳал этмасак, қайта қуришдан ҳеч нарса чиқмайди. Аммо мен бу масаланинг федерация доирасида ҳал этилиши тарафдориман. Чунки биз акс ҳолда инсоний муносабатларнинг шундай кескинлашувига дуч келамизки, бу нарса бутун иттифоқни, ҳар бир халқни орқага улоқтириб ташлайди, катта талафотлар келтиради. Шу сабабли шошқалоқлик қилмай, аста-секин тўғри йўлдан бормоқ керак. Бу иш бошланди ҳам: Олий Советда ер тўғрисидаги, мулкчилик ҳақидаги масалалар ҳал бўлай деб қолди. Шундан кейин иттифоқ ва республика органларининг ҳуқуқ доирасини аниқ белгилаб қўйиш тўғрисидаги қонун навбатда турибди. Ҳозиргидек, республика олий қонунга путур етқазиши мумкин бўлган, олий қонун эса қишлоқ Совети даражасида ҳам ҳал этса бўладиган ишларга «аралашаверадиган» тарзда эмас, балки аниқ-равшан бўлиши лозим.

Биз иттифоқимиз тиргакларини бузмай ва хавф остига қўймай, бир-биримизда шубҳа-гумон туғдирмай, жуда фаол олға силжиймиз. Бутун мамлакат нақадар тўлқинланаётганига бир назар ташланг! Қайта қуриш кучайиб бормоқда, ҳаммамиз демократия, суверенитет сари боряпмиз, хўш, литвликларга нима керак ўзи; деган саволни бермоқдалар. Шундан кейин: наҳотки, халқ шундай йўлнинг тарафдори бўлса, деган гапни айтмоқдалар. Халққа нималарни бошидан кечириши кераклигини, у ҳолда ўзи қай аҳволга тушиши мумкинлигини айтиб беришса, халқ ҳали ҳамма нарсанинг тагига етиб олади, албатта. Ўйлайдиган бўлади. Шу боисдан ҳам мен иккинчи йўлнинг тарафдорман. Сизлар менинг бу эътиқодимни билишингиз керак. Мен сизларнинг қандай фикрлашингизни тушунишим керак, бироқ сизлар ким билан ишлашингиз кераклигини аниқ билишингиз лозим. Якинда менга айтиб беришларича, «Саюдис»нинг сейми давом этаётганда унда: биз Горбачевнинг йўлини қўллаб-қувватлашимизни айтишимиз ва ўз йўлимизни амалга оширишимиз керак, деган гап айтилган.

Овозлар: Нотўғри! Мен сейм аъзосиман. Бундай гап бўлгани йўқ.

М. С. Горбачев: Яхши, сиз буни рад қилганингиздан хурсандман. Агар сиз республиканинг тақдирини мана шундай сўзи бошқа-ю, иши бошқа сиёсатчилар қўлига топширсангиз, ҳали оғир синовларга дуч келасиз. Улар ўз манфаатларини ва рўёбга чиқмай қолган амалпарастлик муддаоларини ҳамма нарсадан юқори қўядиган ва ҳатто ўтмишни қўмсаш дардига мубтало бўлган кишилардир. Шундай қилиб, сизлар нимани хоҳлайсизлар? Ленин ҳайкали ёнидаги майдонда турган йигитча: Михаил Сергеевич, озодликни хоҳлаймиз, деб айтди. Бу — нормал истак! Ўртоқ Прунскене, сиз озод бўлишни хоҳлайсиз, мен ҳам. Мана, сиз билан биз учрашдик ва бир коллективда яшаяпмиз, ва бир-биримизнинг кўнглимизга қарашимиз керак. Шу билан биз ўз озодлигимизни чеклаймизми? Албатта. Хўш, бундан бошқача қандай яшаб бўлади? Қани айтингчи?

Бир вақтлар биз Тэтчер хоним билан суҳбатлашган эдик, дастлабки пайтларда бу суҳбат жуда қизғин тус олган эди. Ўшанда биз ўзаро позицияларимизни равшанлаштириб олган эдик. Ўшанда мен Пальмерстоннинг Англиянинг абадий душманлари ва абадий дўстлари йўқ, аммо абадий манфаатлари бор, деган машҳур сўзларини эслатган эдим. Хўш, биз бир табиатдан, ресурслар, денгизлар, океанлардан фойдаланаётган ва яқинлашишга интилаётган бу дунёда нима қилмоқ керак? Ҳар бир халқнинг ўз йўлини танлаб олиш ҳуқуқини тан олишдан, манфаатлар мувозанатини топишдан, худди шунингдек коллективда, оилада, ўртоқлар даврасида ва сизнинг республикангизда ҳам шу мувозанатни топиш кераклигидан бошқа йўл йўқ. Демак, эркин Литва, мустақил Литва айни вақтда у ёки бу ҳамжамиятга кирадиган Литва ҳамдир. Бу ердаги капиталнинг 57 фоизи ажнабийларга қарашли бўлган пайтда сизлар ҳозиргидан кўра мустақилроқмидингиз! Сиз ўзингизни жуда мустақил деб ҳис қилганмидингиз? Бу қандай Литва жаннатидирки, ундан литваликлар бош олиб кетган бўлсалар. Мен сизлар билан шунчаки мулоҳаза юритяпман: Сизлар мана шу қийин йўлга ўтишингиз — бузиб, вайрон қилишингиз, марзалар, ҳатто чегаралар олишингиз мумкин-ку, ахир.

Орттирилган ҳамма қимматли нарсалардан фойдаланиш, дилимизга хиралик солган ва ҳатто муносабатларимизга салбий таъсир қилган нарсалардан халос бўлиш яхшироқ эмасми? Бир-биримизга эрк бериб, олға ҳаракат қилган яхшироқ эмасми? Урушдан кейингина эмас, ҳатто 60-йилларда ҳам бизнинг ҳузуримизга белоруслар билан литваликлар келиб, ейиш ва уруғлик ғамлаш учун дон экиб, ҳосилини олиб кетганликлари эсимда. Буни қарангки, Литва энди бошқача қиёфа касб этибди. Агар баъзи бузилишлардан — ҳам инсоний, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий иллатлардан халос бўлинса, бу ерда катта имконият бор. Аммо бу имконият шундай бир тарзда режалаштириб қўйилганки, у бутун мамлакат билан, бошқа халқлар билан

БИР ПИЁЛА ЧОЙ ҮСТИДА

Дам олиш саҳифаси

МИСКИН МИСРАЛАР

ОҚТОВДА ҚИШ

Абдусаид Нур

Оппоқ ҳарир либосга бурканибди чўққилар,
Ботаётган қуёшнинг изи қорда қоляпти.
Келиб оппоқ булутлар тоғ бағрига чўккалар,
Туманларга бурканиб, қишлоқлар тин оляпти.
Из тушмаган қорларга босаман изларимни,
Ўйлайман, шул жойлардан унгай лола қирмизлар,
Кеч кирар, аччиқ тўзон ачитар кўзларимни
Қайтаман, изларимга посбон бўлар юлдузлар.
Тунда посбон юлдузлар ва бир осмон юлдузлар
Милтиқраниб бирма-бир кирар ойнинг пинжига.
Аллалайди бизларни онам айтган эртаклар,
Тинглаймиз сехрланиб ҳайрат билан жимгина.
Эртакларнинг қўйнида ухлаб қолмоқ, оҳ, роҳат,
Ширин укажонларим ана, ухлаб қолдилар.
Болалик дамларимда кўрганим каби бир вақт,
Тушида Чамбил юртин ҳозир ватан қилдилар.
Утовнинг мўрисидан буралади оқ тутун,
Оймомо этагини адирларга судрайди.
Борлиқ уйқуга чўмган ҳатто ухлаб ётар тун,
Оймомонинг ўзи ҳам алла айтиб мудрайди.
Саҳармардон чўпонлар қўйларини ҳайдайди.
Туёқлар шивирдан уйғонади оппоқ тонг.
Сўнг қуёш ҳам жунжикиб, олтин сочин тарайди.
Оқтовда қиш кунлари шундай этади давом.

АНГЛАШ

Тишларимни қаттиқ босиб тишларимга,
Азобларнинг бағрига мен отиламан.
Боғлаб қўйдинг, турмуш, майда ишларингга,
Шеър бўлмаган туйғуларим қотилсан.
Имконларнинг қотилиман мен ўзим ҳам,
Қанчасини билиб-билмай ўтдим босиб.
Дарвешлик деб, уч-тўрт улфат баъзан
Имконларни майхонага кетдим осиб.
Лаънат бўлсин, такрорланмас хато қилдим,
Мана бугун ўттиз бирин адо қилдим.
Ҳеч бўлмасдан, кеч бўлса ҳам яхши дерлар,
Йўқотишим, сен деб жоним фидо қилгум,
Тишларимни секин қайраб тишларимга.

ҚАЛАМГА СИҒИН

Тонгда уйқудан кеч, қаламга сиғин,
Ҳюкрон деб аталган аламга сиғин,
Укам, қийноқ номли малҳамга сиғин,
Шунда номинг сенинг шоир бўлажак.
Бахшининг ҳаётбахш сўзига тикил,
Оҳунинг кўзига, кўзига тикил,
Ул малак сиймонинг юзига тикил,
Шунда илҳоминг ҳам учқур бўлажак.
Тиллоранг тус олган ялпоққа айлан,
Кўпчиб-кўпчиб ётган тупроққа айлан,
Адолатга юз бур, чин, ҳаққа айлан,
Шунда фалсафанг ҳам чуқур бўлажак.
Тонгда уйқудан кеч, қаламга сиғин.

ЙЎҚЛОВ

Акам Шукур НУРБОЕВ хотирасига

I.

Алам олти, ғам етти,
Бўз тупроқнинг қорни тўқ,
Энди ёруғ оламда
Шукур деган акам йўқ,
Во дариғо, во дариғ!
Сурати қўлимдадир,
Сийрати чил-парчин-эй.
Ишонсам-ишонмасам
Ватани кенг Очун-эй.
Во дариғо, во дариғ!

II.

Шарқираб, шовуллаб оққан сой, акам,
Осмонни ёритиб балққан ой, акам.
Меҳрлар риштасин узмай айрилиб,
Сафимизни бевақт бузган, вой, акам
Во дариғо, жуда эрта қайтдингиз!
Ёзнинг туғашига бор эди ҳали,
Ҳали турналар ҳам қайтмаган эди.
Фотима, Зуҳролар чуғур-чуғурлаб,
«Ота» деган сўзни айтмаган эди.
Во дариғо, ака эрта қайтдингиз!
Бу қўтир дунёга ғазабингизми,
Нега чархлардингиз асабингизни!
Бир турки совуқнинг совуқ сўзига,
Чангаллаб қолдингиз юрагингизни.
Во дариғ, жигарим, эрта қайтдингиз!
Қолганлар улғаяр, унутилар ғам,
Бошимга урдилар, зирқирар танам.
Бу айрилиқ, ғамга қандай чидайман...
Во дариғо, бағрим, эрта қайтдингиз.

УЙ МУБОРАК

Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози қишлоқлари тобора чирой очиб бормоқда. Бу ерда кейинги йилларда кўплаб турар жой ва маданий-маъмурий бинолар қад ростлади.

Хўжаликда 18 миллат вакиллари аҳилликда яшаб, меҳнат қилиб келишаётир. Уларнинг талабини қондириш мақсадида ўтган йили 5 та янги турар жой бинолари барпо этилди. Бунёдкорлик ишларини механизациялашган 15-кўчма колонна қурувчилари амалга оширдилар. Ноёбжон Ғуломов етакчилик қилаётган аҳил коллектив бу йил ҳам кўплаб уйларни бунёд этишга аҳд қилишган.

У. МУҲАМЕДОВ.

ҚУЛАЙЛИК

Қирчинликлар ҳам табиий газдан баҳраманд бўлдилар. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Бўронбой Жўманов, Зокиржон Қўзиев, илғор ишчилар Турғунали Пўлатов, Маҳмуджон Жўраев хонадонларида зангори олов ёна бошлади. Бунда «Намангангаз» ва район газлаштириш корхонаси ходимларининг ҳиссаси катта. Улар бу йил қишлоқни тўла газлаштиришни кўзда тутганлар.

Р. ҚУРБОНОВ.

Поп райони.

СОВҒА

Ёзёвон районидаги «Москва» колхозида икки қаватли, барча қулайликларга эга бўлган 140 ўринли болалар боғчаси қад ростлади. 300 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланган жажжилар Масканини хўжаликлараро механизациялашган 81-кўчма колонна қурувчилари бунёд этдилар. Ойниқса Абдуғаффор Абдусатторов бошлиқ участканинг Ғанижон Мамазарипов етакчиларидаги қурувчилар касбдошларига ўрнак бўлдилар.

А. МАДРАҲИМОВ.

«ГЎЗАЛ»ГА МАРҲАМАТ

Олмалиқ шаҳрида кооператив усулда қурилиб, фойдаланишга топширилган «Гўзал» кафесининг мухлислари тобора кўпайиб бормоқда. Бу ерда тайёрланаётган миллий ва пархез таомлар хўрандаларга манзур бўлаётир.

Кафенинг афзаллиқ томони шундаки, хўрандалар мазали таомлар билан овқатланибгина қолмай, айни пайтда бадиий ансамбль ижросида қувноқ қўшиқ, куйлар тинглаб, рақслар томоша қиладилар.

М. ҚАЮМОВ.

Талабингизга биноан учрашув

ДИЛДАН ЧИҚҚАНИ ДИЛГА ЕТАДИ

Муҳтарам газетхон! Сизни бугунги суҳбатдошингиз билан таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак. У — ўзининг кўплаб оташнафас, бирда қувноқ, бирда ҳазин қўшиқларни билан қалбингиздан жой олган севимли санъаткорингиз, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова. Нафақат жумҳуриятимизда, балки бизга ҳамсарҳад республикаларда ҳам қўлида тор билан жўшиб куйловчи ўктам ўзбек қизи, ўзига хос истеъдод соҳибаси сифатида маълум ва таниқли.

Ҳеч бир соҳа, ҳеч бир касб-кор йўқки, унинг ютуқлари баробарида ўзига яраша нуқсон ё муаммолари бўлмаса. Шубҳасиз, қўшиқчилик санъати ҳам бундан мустасно эмас.

— Олмахон опа, биласиз, халқимизнинг ўзига хос, ибратли урф-одат, фазилатларидан бири — устозларни хотирлаш. Кўп сонли мухлисларингиз сизни миллий қўшиқчилигимиз боғида ажойиб гулшан яратган, бугунги кунда кўпчиликка таниқли қатор шогирдларни тарбиялаган ўзбек халқининг севимли ҳофизи марҳум Комилжон Отаниёзов ўгитларидан баҳра олган санъаткор сифатида билади...

— Қандай касб-кор соҳиби бўлишидан қатъий назар, ҳар бир киши устозини эъзоэлаши, унга сидқидилдан эҳтиром кўрсатиши, агар дунёдан ўтган бўлса, доимо уни хотирлаши, берган панд-насиҳатларини ёдга олиши керак. Устозим билан бир умр фахрланаман. Санъаткорга халқ баҳо беради, албатта. Ҳарқалай, қўшиқчи сифатида элнинг назарига тушишимда шубҳасиз Комилжон Отаниёзовнинг хизматлари жуда катта.

Қўшиқ айтишга ёшлигимдан қизиқардим. Комилжон оға биз, шогирдлари даврасида тез-тез бўларди, агар у бирон жойда қўшиқ айтса, беистисно биз ҳам ўша ерда ҳозиру нозир эдик. Ҳеч эсимдан чиқмайди: бир куни устоз биз билан узоқ суҳбатлашди, кейин ашулаларимизни эшитди. Баъзи бирларимизга бир қўшиқни такрор-такрор айттирди. Мулоқот интиҳосида ўзининг янги қўшиқларини айтиб берди. Бир чеккада ўтириб, қўшиқнинг узундан-узун авж пардаларини айтишда ҳам ўзини нақадар эркин тутиши-ю тор дастаси узра бармоқларининг бирда ваққон, бирда оҳиста, бироқ ниҳоятда аниқ ҳаракат қилишини доимгидек диққат билан кузатардим. Шунда у қўшиқни тугатганидан сўнг менга юзланиб:

— Олма (у киши мени шундай атардилар), сен қўшиқни жуда диққат билан тинглайсан, тинглаб ҳоримайсан. Бу ниҳоятда зарур. Ёдингда тут: шу одатингни ҳеч қачон ташлама, — деганди.

Ҳа, устозимиз бетакрор эди.

— Олмахон опа, миллий қўшиқчилигимизнинг бугунги аҳволи хусусидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Гап бу ҳақда борар экан, мен аввало кейинги пайтларда сафларимиз янги ёш истеъдодлар, қўшиқ жонкуярлари билан кенгайиб бораётгани, санъат аҳли меҳнатига, уларни маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга дуруст эътибор берилаётганидан қувонаётганимни таъкидлагим келади.

Агар мендан қўшиқчилар ким, деб сўрашгудек бўлишса, улар-эл хизматкорлари, дея жавоб бераман. Чунки санъаткор ўзи яратган ашуласини халқ олдида айтади, унинг ҳукмига ҳавола этади, ундан илҳом олади. Зотан, элга хизматкор бўлишнинг катта мажбурияти, масъулияти бор. Буни унутишга сира ҳаққимиз йўқ.

Қўшиқчилигимиз бой тарихга эга. Мисол учун классик куй ва ашулаларимиз, мақомларимизни олайлик. Улар мазмунга бой, жозибадор, мусиқавийлиги боис узоқ йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб келади, санъаткорлар репертуаридан тушмайди. Ҳар қанча айтилмасин, «Муножот», «Қаро кўзим», «Феруз», «Чапандози суворо ва савти сувора» каби ашулаларимизни сира ҳам лоқайдлик билан тинглаб бўлмайди.

Миллий классик куй-қўшиқларимиз, мақомларимиздек бой, бетакрор, бебаҳо меросимиз хавф остида қолиб кетишидан хавотирдаман. Чунки уларнинг ижрочилари кун сайин сийраклашиб бораётир. Ўз фаолиятини энди бошлаган, бошлаётган умидли ёшларимиз буни сира эсдан чиқармасликларини, ўз фаолиятларини айнан мақомдан бошлашларини истардим. Чунки ана шу бебаҳо меросимиз оламига кириб кўрмай, ундан баҳра олмай туриб ўзига хос, тўлақонли қўшиқчи бўлиш мушкул.

— Сизнингча, ёшлар ижодида классик куй-қўшиқларимизга бир қадар кам эътибор берилаётганининг сабаби нима?

— Менимча, қийинчиликдан чўчиш. Биласизми, мақом ёки аксарият классик қўшиқларни ижро этишнинг ўзи бўлмайди. Улар одатдаги ашулаларнинг айтилишидан ўзининг бир қадар мураккаблиги билан ажралиб туради. Уни қиёмига етказиб ижро этиб, тингловчига етказа олиш учун хийла меҳнат қилишдан, тинимсиз машқдан қочмаслик лозим. Зеро, ўзини қўшиқчи санаган ҳар бир санъат кишиси халқ дурдоналарини ўз ҳолича кейинги авлодга етказишда масъул шахс эканлигини бир сония бўлса-да унутмаслиги керак.

— Олмахон опа, кейинги пайтларда ашулачилар кооперативлари пайдо бўлди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Ўринли савол бердингиз. Мен бунга қаршиман. Назаримда, баъзи бир ҳамкасбларимизнинг кооперативларга бирлашаётганига уларнинг маоши камлиги сабаб бўлаётир. Ойига юз ўттиз ёки юз эллик сўм олгандан кўра бир концерт қўйилгани учун эллик сўм олганим яхши эмасми, деб ўз ансамблини тарк этаётганлар йўқ эмас. Ҳатто баъзи бир таниқли санъаткорларимиз ҳам филармонияни ташлаб, кооперативга ўтиб кетишди. Балким, кимлардир нима фарқи бор, санъат соҳиби қаерда бўлмасин, халққа хизмат қилади-ку, деб айтишар. Масаланинг бошқа томонини ҳам эсдан чиқармаслик керак, ахир. Меҳнаткаш халқимизнинг пешона тери билан топилган пули эвазига барпо этилган маданият масканлари иқтидорли кишиларни бирлаштирган ҳолда ўша қадоқ қўлли заҳматкашга хизмат кўрсатиб турганига нима етсин. Дейлик, бир гуруҳ пахтакорлар бирон-бир санъаткоримизнинг қўшиқларини эшитишни қўмсаб қолиб мазмунли дам олиб кетгани вақт топиб Тошкентга келишди. Ҳайҳотдай бино ёнидаги симёғочга ёпиштирилган афишани кўришсаки, севимли қўшиқчи рўйхатда йўқ. Сўраб-суриштириб унинг ишдан бўшаб, кооперативга ўтиб кетганини эшитганларидан сўнг қай аҳволга тушадилар.

— Назаримда, кейинги пайтларда ёшларга эътибор яхши бўлиб бораяпти. Радио тўлқинлари, ойнан жаҳонда янги овозлар, янги қўшиқлар кўпаётгани шундан далолат. Бу яхши, албатта. Лекин кишига зиғирча бўлса-да маънавий озиқ бермайдиган, у қулоқдан кириб, бунисидан чиқиб кетадиган қўшиқларни эшитиб, ранжийсан киши...

— Албатта. Қўшиқ беистисно ҳамиша маънавий, тарбиявий жиҳатдан салмоқли аҳамият касб этмоғи керак. У тингловчининг руҳиятига ўз таъсирини ўтказмоғи, яъни унинг дилини чоғ қилиб, завқини келтириши ёки ўйга толдириши лозим. Шундагина қўшиқ тингловчи ёдида қолади, уни яна эшитишни қўмсайди. Аксинча бўлса, сиз айтганингиздек, тингловчи ранжийди, ҳатто беҳуда кетган вақти учун ачинади. Ана шундай «енгил вазнли» ашулалар кейинги пайтларда тез-тез қулоққа чалиниб қолаётгани рост. Менимча, бунинг асосий сабаби — лозим даражада масъулият сезмаган ҳолда янги қўшиқ яратишга қўл уриш. Янги қўшиқ яратиш яхши, бироқ у енгил-елпи бўлмаслиги керак. Баъзан ашула матни билан унинг мусиқаси ўртасида мутаносиблик бўлмайди, яъни дейлик, дард-фироқ, ё соғинч билан ёзилган шеър шўх, йўноқи куйга солиб ижро этилади. Бундай аҳволни мен тингловчи ҳамда шоирга нисбатан ҳурматсизлик деб биламан.

— Кейинги пайтларда турли матбуот, нашрларда кўпчилик санъаткорлар, жумладан қўшиқчилар ҳақида ҳам тез-тез чиқишлар бўлаётир. Уларнинг ижодий фаолияти, шу соҳага оид ҳар хил масалалар хусусида холис фикрлар билдирилаяпти. Бу ҳам бизни ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўргатаётган қайта қуриш шарофатидир. Бугун санъат аҳлига бўлаётган муносабатни ўн йил олдинги муносабат билан таққослаганда фикримиз янада ойдинлашади.

Шу маънода санъаткорларнинг тўйда иштироки тўғрисида ҳар хил қарашлар мавжуд. Назаримда, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Негаки ҳар бир одам ҳам онда-сонда бўладиган хурсандчилик кунига, масалан фарзандининг тўйига ўзи севган қўшиқчисини таклиф этишни хоҳлайди...

— Тўғри. Сиз таъкидлаганингиздек, бугунги кунда ҳамма соҳада бўлаётгани сингари қайта қуриш таъсири санъаткорлар, уларга муносабатда ҳам сезилаётир. Ҳақиқатан авваллари қўшиқчи санъаткорларга бугунгидек холис муносабат бўлмаган. Саҳнада қўшиқ айтиб келаётганимга ўттиз йилдан ошди. Шу вақт ичида анча-мунча воқеаларга гувоҳ бўлганман. Умуман бу хусуда жуда кўп гапириш мумкин...

Қўшиқчиларнинг тўйда иштироки масаласи тўғрисида фикр билдиришдан олдин баъзи бир мулоҳазаларимни айтсам. Аҳёнаҳёнда бўлса-да бирон-бир санъаткор номига киноя аралаш «отарчи» сўзини қўшиб айтилганини эшитсам, юрагим эзилиб кетади. Бошқа ҳамкасбларим ҳам шундай аҳволга тушишларига шубҳам йўқ. Ахир, ҳақиқий санъаткор билан «отарчи» ўртасида катта фарқ бор!

Одамлар орасида тўйда қўшиқ айтувчиларга нисбатан озроқ бўлса-да нотўғри фикр борлиги рост. Бизлар хоҳлаймизми, йўқми — барибир у мавжуд. Хўш, нега шундай?

Тўйларимизнинг куй-қўшиқсиз ўтишини ҳеч биримиз тасаввур қила олмаймиз. Нима кўп — тўй кўп. Уларда маданий хизмат кўрсатаётганларнинг ҳаммаси санъаткор эмас, ахир! Ҳақиқий қўшиқчилар шаънига соя солаётганлар — бетайин, алмойи-алжойи ашулалар айтадиган отарчилар, тўй иштирокчиси чўнтагидаги пулни ўзлаштириб олиш мақсадида одоб-ҳаёни сақламай «хиром» этадиган «хашаки ўйинчи»лар. Ҳақиқий санъаткор тингловчисига бундай ҳурматсизлик қилмайди, чин қўшиқчи, чин муғанний қўлида тутган созини ўзи учун муқаддас деб билади.

Қўшиқчи санъаткорнинг одамлар тўйида иштироки хусусида сўнгги пайтларда матбуот саҳифаларида қатор холис фикрлар айтилаётир. Буларда қўшиқчи бир кишининг тўйида хизмат қилиб, унинг хурсандчилик кунига шерик бўлиши, нафақат тўй соҳиби, балки барча иштирокчиларни мамнун этишининг салбий томони йўқ-ку, қабилидаги мулоҳазалар ҳам билдирилди. Бу фикрларга қўшимча тариқасида шуни айтишни истардимки, санъат кишиси қаерда бўлишидан қатъий назар, элга сидқидил хизмат қилмоғи лозим. Акс ҳолда у том маънодаги санъаткор эмас!

— Қориёқубов номидаги республика давлат филармонияси коллективи сизга катта ишонч билдириб, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатган эди. Яқинда сайлов комиссияси рўйхатга олганини эшитиб хурсанд бўлдик. Сермазмун суҳбатингиз учун миннатдорчилик билдирамиз ва бундан кейинги ишларингизда муваффақият тилаймиз.

— Раҳмат.

Суҳбатни Шуҳрат УМИРОВ ёзиб олди.

ҚАТРА

ГУМОНСИРАШ

Тандирга ёпилган нон қизармасданоқ оқиб туша бошлади.

— Тафтимдан яхши оқардинг-ку. Нега сени ушлолмай оқиб тушаяпти нон. Эскиб қолгандирсан, мўрт бўлиб, — деди Олов Тандирга.

— Яқинда қурилганманку. Тафтинг керакли маҳалда пасайиб қолди-ёв. Балки шундандир, — бўш келмади Тандир ҳам.

— Ҳамма айб зуваламни яхши пишитмаган Қўлда-ку, — деди Нон лаб-лунжини осилтириб чўғ устига тушаркан. — Бир-бирингизга гумонсираб, айб қўйганингиз ортиқча.

ҚУМИР ВА УТИН

— Гугурт чақилса, дарров ёнасан. Чўғингнинг эса тафти кам: дарров кулга айланади. Менинг чўғим-чи. Печкани узоқ вақт қиздириб туради. Тезда кул бўлмайди, — деди Тошкўмир.

— Қаттиқлигингдан гугурт сени аланга олдиришга ожиз. Мени ёндиролгани сен учун ҳам яхши-ку. Тафтим орқали сен аланга оласан. Мен бўлмасам тош бўлиб ёнолмай ётишингни унутдингми?! — жавоб берди Ўтин. Тошкўмир нима дейишини билмай қолди...

Ғани АБДУЛЛАЕВ, боғбон.

БОШҚОТИРМА

КАТТА АИЛАНАЛАР БУЙИЧА: 1. Қурол-яроғ. 2. Кичик сув ўзани. 3. Қитъа. 4 Абу Али ибн Сино туғилган қишлоқ 5. Ўлчов қолипи. 6. Сувоқчилик асбоби. 7. Касаллик тури. 8. Нотавон, абгор. 9. Теварак-атроф. 10. Товон. 11.Ор-номус. 12. Ривоят, достон.

БУЙИГА: 1. Уй-рўзғор буюми. 2. Хонадаги токчасимон махсус жой. 3. Юксак иқбол. 4, Пардоз, ишлов. 5, Буйруқ, топшириқ. 8. Қулай пайт. 9. Иртқич қуш. 10. Маҳаллий иситиш қурилмаси. 11. Ўзбек демократ шоири. 12. Раҳнамо, йўлбошчи.

ЭНИГА: 6. Суюқ овқатларнинг юзига чиққан ёғ. 7. Саҳродаги қум тепалик.

КИЧИК АИЛАНАЛАР БУЙИЧА: 13. Қадимий таом. 14. Пойтахтдаги қаср. 15. Енгил атлетика тури. 16. Вақт бирлиги. 17. Помидор суви. 18. Парранда. 19. Ёзув қуроли. 20. Мақол, матал. 21. Ялтироқ бўёқ. 22. Химиявий элемент. 23. Уфқдаги доларанг қизиллик. 24. Ўч, интиқом. 25. Балиқ тури. 6. Донга тушадиган зараркунанда қурт. 27. Жумҳуриятимиздаги нашриёт. 28. Ҳўл мева. 29. Бирор нарсанинг ёнишидан ҳосил бўладиган минерал қолдиқ. 30. Болгария пул бирлиги. 31. Баҳона. 32. Йиғилган, тўпланган. 33. Қурилиш анжоми. 34. Сопол идиш. 35. Сақичсимон юмшоқ модда. 36. Шахматдаги ҳолат. 37. Бутунлик ташкил этган нарсаларнинг кўриниши. 38. Автомобиль тури.

Тузувчи Фаёз ҒАФУРОВ.



СПОРТ ахборот

● ШАХМАТ

Англиянинг Гастингс шаҳрида давом этаётган халқаро мусобақада ҳамон мамлакатимиз вакили Сергей Долматов пешқадамлик қилаяпти. Бу моҳир шахматчимиз 12-турда ғолибликка даъвогарлардан бири — югославиялик Предраг Николич билан дуранг ўйнади. Пировардида у жамғармасидаги очкони 7 тага етказди. Николич ундан ярим очко ортда бораяпти.

* * *

Калининградда қизлар ўртасида мамлакат биринчилиги ўтказилмоқда. Маҳорат кўриги вазифасини ўтаётган мазкур мусобақада иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарларидан келган 54 шахматчи иштирок этаяпти. Ҳозирча мусобақанинг олти тури якунланди. Олти имкониятдан 5,5 очко тўплаган тбилисилик Нино Хурцидзе пешқадамлик қилаяпти. Бир гуруҳ иштирокчилар, жумладан кишинёвлик А. Григорьева, тбилисилик Жанжгави, бельцилик И. Зак, волгоградлик Н. Минкина ва москвалик И. Худгарян ҳисобида 5 тадан очко бор.

ТЕННИС

Австралиянинг Сидней шаҳридаги халқаро мусобақалар қизғин паллага кирди. Аёллар турнирида айниқса минсклик Наталья Зверева муваффақиятли қатнашаяпти. У навбатдаги матчда франциялик Жюли Халардни енгиб (4:6, 6:4, 6:2) ярим финалга чиқди.

Эркаклар мусобақасида қутилмаган натижа қайд этилди. Жаҳоннинг кучли теннисчиларидан бири Борис Беккер унча машҳур бўлмаган ўз ватандоши — Карл Штеебага ютқазди — 6:7, 3:6.

Москвалик Андрей Чесноков Янги Зеландия очиқ биринчилигининг ярим финалига чиқди. У бунга канадалик Грант Коннелни енггач (2:6, 6:4, 6:3) эришди. Шунингдек, исроиллик Амос Манседорф, ҳиндистонлик Рамеш Кришнан ва АҚШлик Скотт Дэвис ҳам ҳал қилувчи босқичда иштирок этадилар.

БАСКЕТБОЛ

Европа чемпионлари кубоги учун ўтказилган 4-тур учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Маккаби» (Тель-Авив) — «Барселона» (Испания) — 74:84, «Коммодоре ден Халдер» (Голландия) — «Югопластика» (Югославия) — 76:83, «Лех» (Польша) — «Филипс» (Италия) — 92,104, «Лиможа» (Франция) — «Арис» (Греция) — 94:84. Тўрт турдан сўнг 8 очко тўплаган «Югопластика» клуби олдинда бораётир.

* * *

Мамлакат эркаклар командалари ўртасидаги (олий лига) галдаги учрашувлар натижаси: «Жальгирис (Каунас) — «Будивельник» (Киев)— 62:88, «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Тбилиси) — 117:83, ВЭФ (Рига) — «Спартак» (Ленинград) — 77:72.

ХОККЕЙ

СССР олимпиада терма командаси Канадада шу мамлакат миллий терма командаси билан етти маротаба учрашиб, ундан бештасида ғалаба қозонди. Мухлисларга аёнки, дастлабки икки учрашувда совет хоккейчилари мағлубиятга учрашган эди. Лекин кейинчалик асосан Воскресенскнинг «Химик» коллективидан ташкил топган олимпиадачиларимиз ўзларини кўрсатиб, кетма-кет уч маротаба ғалаба қозондилар. Пауэлл-Ривер шаҳрида бўлган олтинчи матчда 3:2 ҳисобида устун келдилар. Сўнгра Викториядаги охирги ўйинда ҳам зафар қучдилар — 6:5.

Муҳаррир А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 04026. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р — 01022. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12